



## ЕВРОПАГА ЙЎЛ ЕВРОПАНИНГ ҚАЛБИДАН БОШЛАНАДИ

**Президент Ислон Каримов 10-12 декабрь кунлари расмий ташриф билан Австрия Республикасида бўлди**

Ғарба Австрия — Европанинг юраги, дейдилар. Бу ўлка Европанинг қоқ марказида жойлашган. Лекин фақат жуғрофий омиллар туфайлигина унга бундай сифат берилмаган. Австрия катта-катта халқаро анжуманлар ўтадиган, Шарқий ва Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида кўприк вазифасини бажарадиган мамлакатдир. Венада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий қароргоҳларидан бири жойлашган. Бундан ташқари, Австрия пойтахтида Нефт экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК), ЕХХТнинг котибияти ва доимий кенгаши, Халқаро атом энергетикаси агентлиги (МАГАТЭ), шунингдек, ЮНИДО сингари БМТнинг бир неча куйи ташкилотлари ишлайди. Мамлакатнинг ўзи Европа Иттифоқидаги жараёнларнинг, халқаро тинчликни сақлаш операцияларининг, экологияни яхшилаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг фаол иштирокчиси. Унинг барқарорликни мустаҳкамлаш, можароларнинг олдини олиш, экологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган ташқи сиёсати халқаро ҳамжамиятнинг эътирофига сазовор бўлган.

Австрия ўзининг бетакрор маданияти, осори атиқаси билан ҳам Европанинг қалби, деган ном қозонган. Асрлар давомида барпо этилган меъморий обидалар, яратилган тасвирий ва музикий асарлар мамлакатни дунёга танитган. Вена ўғил болалар хори, филармония ва симфония оркестрлари, пойтахтдаги давлат операси Австрия маданиятининг элчилари сифатида дунё кезиб, мамлакат шухратини оширмоқда. Дунёда Моцарт, Бетховен, Шуберт сингари даҳо санъаткорларнинг асарлари етиб бормаган жой йўқ.

Ислон Каримовнинг бу гўзал мамлакатга расмий ташрифи ноанъанавий тадбирдан бошланди. Президентимиз аввал Австриянинг собиқ Федерал канцлери, айни пайтда ишбилармонлар уюшмаси раҳбари

Франц Враницкий билан учрашди. Суҳбат мавзуини асосан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар билан боғлиқ масалалар ташкил этди.

Хофбург саройида Президент Томас Клестил билан бўлган учрашув ниҳоясида эса ўзаро иқтисодий алоқалар кўламини кескин кенгайтирадиган қелишувларга эришилди. Юк ташиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат товарлар оқимини оширишга хизмат қилади, йўлда учрайдиган турли тўсиқларни бартараф этади, транспорт воситаларининг ҳаракатини осонлаштиради.

Темир йўл компаниялари ўртасида қабул қилинган ҳужжатнинг қамрови ҳам жуда кенг. Унда Ўзбекистондаги темир йўл тармоқларини замонавийлаштириш, қувватини ошириш, бу тармоқларни кенгайтириш учун йирик минтақавий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, соҳа хизматчиларининг малякасини ошириш кўзда тутилган. Ҳужжатда трамвай ва метро йўллари замонавийлаштириш ва қувватини ошириш масаласига ҳам эътибор берилган.

Австрияда сайёҳлик соҳаси юксак даражада ривожланган. 8 миллион нуфузли мамлакатга йилига 20 миллионга яқин хорижий сайёҳ келади. Шу боис бу соҳа Австрия иқтисодининг таянч соҳаларидан бирига айланган. Шаҳарлардаги қадимий обидалар, осори атика билан бир қаторда, тоғларда сақланиб қолган табиий гўзаллик ҳам одамларни ўзига тортади.

Ислон Каримовнинг ташрифи чоғида «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Австриянинг «Olimpia Rescen Vienna» ҳамда «Wind Rose» сайёҳлик компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар қабул қилинди. Австрия Сайёҳлик агентлари ва операторлари уюшмаси билан ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзо-

(Давоми 2-бетда)

## «Yil o'qituvchisi — 2001»



Ўғил-қизлар серҳаракат бўлади, фақат уларни назорат қилиш, шу билан бирга йўл-йўриқлар бериб, рағбатлантириб бориш жоиз. Шуниси аниқки, таълимда ўқувчиларни меҳнатига, тиришқоқлигига яраша рағбатлантириш, яхши сўзлар айтиб фаолликка ундаш ҳам ижобий самаралар беради. «Йил ўқитувчиси — 2001» республика кўриктанлови иштирокчиси, Бухоро вилояти Когон туманидаги 11-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Хилола Ражабова Миробод туманидаги 110-мактаб ўқувчилари хузурида ўтган «Ўнли касрларни айириш мавзусини мустаҳкамлаш» мавзуидаги очик дарсида асосан ана шу тамойилга таянди. Аввало, 6-

«Ж» синфи ўқувчиларини ал-Хоразмий авлодлари, «Соғлом авлод», Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино гуруҳларига ажратди. Президентимиз Ислон Каримов томонидан айтилган «Куч — билим ва тафаккурда» фикр дарсининг шиори этиб олинди. Хилола Ражабова дарс жараёнида энг фаол ўқувчиларни «Яшанг», «Барақалла» деб рағбатлантириб борди, дафтарларини текшириб, ўғил-қизларнинг хусниҳатига ҳам эътибор берди. Хуллас, у ўқувчиларда математика фанига нисбатан яна бир қарра қизиқиш уйғотди.

Суратда: изланувчан муаллима Хилола Ражабова математика фани дарсида. Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат

**Икки кунда қанчами ёки етти кунда?**

3-бет

**Зиё аҳли ҳамма соҳада ибрат бўлмоғи керак**

5-бет

### КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида «Ўзбекистон юксалиш йўлида» деб номланган туркум китоблар тақдимоти ўтказилди. «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган ушбу китобларда Президент Ислон Каримовнинг мустақил ўзбек давлатини барпо этиш ва ривожлантиришга қаратилган сиёсати кенг очиб берилди, Ватанимизда ўн йил мобайнида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, аҳолининг янгича турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилинади.

### СЎНГГИ УЧ КУН МУҶДАЛАРИ

Чоршанба  
Пайшанба

### 6 НАФАР ЎҚУВЧИ АНГЛИЯГА БОРАДИ

Келаси йилнинг июнь ойида Англияда 80 дан ортиқ мамлакатдан вакиллар иштирокида ўтадиган математика фани бўйича халқаро олимпиада олдидан Тошкентда навбатдаги саралаш-синов босқичи бўлди ва кейинги

босқичда голиб чиққан 6 нафар ўзбекистонлик ёш математиклар Англияга борди.

### ҲУҶЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Тошкентда АҚШ савдо ва тараққиёт агентлиги (USTDA) билан Ўзбекистон Почта ва телекоммуникация агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзтибмахсулот» акциядорлик компанияси ўртасида ўзаро англашув меморандумлари имзоланди.

**Умумий ўрта таълим мактаб кутубхонаси низоми**

12-бет

**Тиббиётдаги физиологик кашфиётлар**

13-бет

## ЕВРОПАГА ЙЎЛ ЕВРОПАНИНГ ҚАЛБИДАН БОШЛАНАДИ

(Давоми.  
Боши 1-бетда)

ланди. Бу ҳужжатларга кўра, томонлар ўз олдига сайёҳлик соҳасида ишлайдиган ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш, улар учун қулайликлар яратиш, ахборот алмашиш, турли босма нашрлар, фотосуратлар ва видеоматериаллар тарқатиш, кўргазма ва симпозиумлар уюштириш, соҳага сармою жалб этиш каби кўплаб вазифаларни кўяди. «Salzburger Tourismus Schulen» компанияси билан тузилган шартнома эса меҳмонхона бизнеси бўйича мутахассислар тайёрлашни кўзда тутди.

Венада қабул қилинган яна бир ҳужжат эса таълим соҳасига тегишли. У Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўртасида ҳамкорликни йўлга қўяди. Икки университет олимлар, аспирантлар, талабаларнинг борди-келдиси ривожлантиради, илмий материаллар алмашади, илмий лойиҳалар ва дастурлар ишлаб чиқиб, амалга оширади, биргаликда илмий симпозиум, семинар ва конференциялар уюштиради. Келишувга биноан эндиликда факултетларо мустақил ҳамкорликни ривожлантиришга йўл очадиган янги ҳужжатлар тайёрлаш ҳам мумкин.

Вена университети 1365 йили ташкил этилган ва аҳолиси немис тилида гаплашувчи мамлакатларнинг олий ўқув юрталари орасида энг қадимийси ҳисобланади. Австрия университети фақат таълим бериш билан чекланмай, Ўзбекистондаги каби илмий тадқиқотлар маркази вазифасини ҳам бажаради.

Ўқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, Ислон Каримовнинг Австрияга ташри-

фи гоят самарали кечди ва фойдали натижаларга бой бўлди. Унинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, Австрия раҳбарлари билан учрашувларда томонлар кўплаб масалаларда ҳамфикр эканлиги аён бўлди. Бу эса ўзаро ишонч мустақамлигини кўрсатади. Президент Томас Клестил 11 сентябрь воқеаларидан кейин дунё мамлакатларининг диққат маркази Марказий Осиёга қаратилгани ҳақида гапирар экан, Ўзбекистоннинг халқаро хавфсизлик масалаларига муносабати, бу борада юритаётган мустақил сиёсати, хусусан, халқаро аксилтерор коалициясига кўрсатаётган ёрдами гоят муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Австрия раҳбари минтақамизга таҳдид солувчи омилларни жуда яхши билади ва Ўзбекистоннинг бу борадаги нуктаи назарини, қарашларини эътироф этади.

Сиёсий муносабатлардаги ўзаро ишонч ва эҳтиром, табиийки, иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун яхши пойдевор бўлади. Президент Ислон Каримовнинг айтишича, айти пайтда икки мамлакат мутахассислари ишбилармонлар учун алоҳида қулайлик ва имтиёзлар тартибини жорий этиш, австриялик тадбиркорларнинг Ўзбекистонга визасиз келиб-кетиши учун имконият яратиш масалалари устида ишламоқда.

Таъкидланганидек, Австрия - Европанинг юраги. Ислон Каримовнинг сафари Европага унинг қалби орқали кириб боришимиз учун янги имкониятлар яратди, десак асло муболаға бўлмайди.

**Анвар БОБОЕВ,**  
**ЎзА махсус мухбири.**  
**Тошкент-Вена-Тошкент.**



## ПУШКИН ТИЛИ БИЛИМДОНЛАРИ

Маълумки, халқаро алоқаларда эътироф этилган 6 расмий тил ичида рус тили уз мавқеига эга. Зеро, мазкур тилда Л.Толстой, А.Пушкин каби даҳоларнинг бебаҳо асарларини ўқимаган, ундан илҳом олмаган халқ жуда кам жаҳонда.

2000 йилда МДХ ва Болтиқ бўйи давлатларининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчилари ўртасида халқаро Пушкин мукофоти танлови эълон қилинган эди. Россия Федерациясининг парламенти, бир қатор матбуот нашрлари, Москва ҳукумати, Ташқи ишлар ҳамда таълим вазирликлари томонидан ташкил этилган мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва республикамизда фаолият юритаётган Рус маданияти маркази томонидан ҳам қўллаб-қувватланиб, унда қатнашиш истагини билдирган ўзбекистонлик ўқитувчиларнинг билимдони, тажрибали ўқитувчилар ҳам иштирок

этиш имкониятига эга бўлишганди.

Яқинда Москва шаҳрида бўлиб ўтган «Ватандошлар» конгрессида ушбу танловда голиб чиққан 50 нафар ижодкор педагогларга ташкилотчилар томонидан махсус дипломлар ва А.С.Пушкин номидаги мукофотлар топширилди. Тақдирлаш маросимида Россия Федерацияси Президенти В.В.Путин ҳам қатнашиб, мукофотланганларни муборакбод этди.

Эътиборлиси шундаки, ушбу кўрик-танловда иштирок этган 4 нафар ўқитувчиларимизнинг ҳам ижодий иншолари ҳакамлар томонидан юксак баҳоланиб, совриндорлар қаторидан урин олишди.

Қуни кеча республика Халқ таълими вазирлигида ушбу танлов голиблари бўлган Тошкент шаҳрининг 50-, 284- ва 48-мактаблари ўқитувчилари — Светлана Постнова, Полина Лукошеникова, Галина Крюкова

ҳамда Олмалик шаҳридаги 5-мактаб ўқитувчиси Любовь Ершоваларни тақдирлаш маросими ўтказилди.

Маросимни Республика Халқ таълими вазирининг биринчи уринбосари Р.Аҳлиддинов очар экан, 14 та давлат ўқитувчилари иштирок этган ана шундай нуфузли танловда муваффақият қозongan ўқитувчиларимизни чин дилдан табриклади.

— Республикаимизда олиб борилаётган таълим тизимидаги ислохотлардан қўзланган асосий мақсад, — деди ўз нутқида Р.Аҳлиддинов, — комил шахсни тарбиялашдир. Инсоннинг

камолотга етишишида эса ўқитувчининг ўрни алоҳида. Ишонаманки, юртимизда сиздек фидойи, билимдон устозлар куп. Улар бугун ўз изланишлари билан турли халқаро ва республикамиз миқёсидаги ўтказилаётган танловларда голиб бўлиб, ўз билимларини намойиш этаётган булса, улардан андоза олаётган шогирдлари ҳам жаҳонни лол қолдиришмоқда.

Шундан сўнг, голиб ўқитувчиларга ҳам сўз берилиб, улар ўз таассуротлари билан уртоқлашишаркан, бундай муваффақиятларга эришишларида ҳукуратимиз томонидан курсатилган ёрдам учун ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Тантаналар сўнгида голибларга Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Б.ЖОВЛИЕВ**  
**«Ma'rifat» мухбири**

**Б. РИЗОҚУЛОВ** олган сурат.

## “МУАЛЛИМГА “МАЪРИФАТ” КЕРАК!”

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касса уюшмалари Марказий Кўмитасининг кўшма қарорига мувофиқ яқунланган ҳафтада Қашқадарё вилоятидаги таълим-тарбия муассасаларида “Маърифат” газетаси кунлари бўлиб ўтди.

6 декабрь куни вилоят халқ таълими бошқармаси ходимлари ва туман, шаҳар халқ таълими бўлимларининг мудири иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбати айтиш мумкинки, жуда қизиқарли савол-жавоблару таклиф ва мулоҳазаларга бой бўлди.

**Раҳматилла МУСУРМОҢОВ, Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи:**

— “Маърифат” газетаси ўз саҳифаларида фанлар тарихига оид рўқн ташкил этса, ҳали у, ҳали бу фан тарихига оид зарурий маълумотларни бериб борса.

**Омон Тўраев, Шаҳрисабз тумани ХТБ мудири:**

— Газетамизда илғор директорларнинг

иш тажрибаси кўпроқ ёритилса.

**Ўрол АБДУРАҲМОҢОВ, Чирокчи тумани ХТБ мудири:**

— Маҳалла, оила ва мактаб ҳамкорлиги ўта долзарб масала. Янги йилда “Маърифат” худди ана шу масалага алоҳида эътибор қаратса, кўнгилдагидек бўлар эди.

**Ҳасан СОҲИБОВ, Касби тумани ХТБ мудири:**

— Мактабда ўқитиладиган фанларнинг ўқув режаларидан келиб чиқилган ҳолда газетанда “Маърифат”— ТЕСТ” рўқни ташкил этилса.

\*\*\*

Хотирлашга лойиқ учрашувлардан бири 7 декабрь куни Косон туманидаги Эшмурод Эшқувватов номидаги 75-мактабда бўлиб ўтди. Шу куни

“Маърифат” газетасининг бир гуруҳ ижодкорлари ушбу илм масканда Косон туманининг қатор мактабларидан йиғилган фаол муаллимлар билан газетанинг бугуни ва эртаси хусусида қизиқарли суҳбат уюштирдилар. Косонлик муаллимларнинг таъбири билан айтганда “Муаллимга “Маърифат” керак” деб номланган ушбу очик мулоқотда муаллимлар ўз таклиф ва мулоҳазаларини баён этдилар.

**Замира Тўраева, Косон туманидаги 91-мактабнинг немис тили муаллими:**

— “Меҳмонхона” рўқни ҳаммамизга маъқул бўлаяпти. Шу саҳифага битта таклифим бор. “Меҳмонхона”га чет эллик машҳур олим алломалар-

ни ҳам таклиф қилинса.

**Маҳмуд ЭШПЎЛАТОВ, Косон туманидаги 75-мактабнинг директор ўринбосари:**

— Хар бир синфда ҳафтада бир соатлик тарбиявий дарслар ўтилади. Бу хусусда адабиётлар камдай. Агар “Маърифат” газетаси ўз саҳифаларида “Тарбиявий соатлар” рўқнини очса, савобли иш қилган бўларди.

\*\*\*

Қашқадарё вилоятининг қатор туманларида “Маърифат” газетаси ижодкорлари билан ўтказилган учрашувларда шу нарса маълум бўлдики, айти кунда вилоятда оддий муаллимдан тортиб, таълим-тарбия бўғинларидаги раҳбарларгача ҳамма-ҳаммалари “Маърифат” газетасини доимий тарзда мутолаа қиладилар. Керак бўлса, газетанда кўплаб мақолалардан ўз вақтида хулоса чиқариб, ўз жамоаларида вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни олдидан ҳал этишга киришадилар. Улар “Маърифат”ни ўзларига мадад деб биладилар. Шу ўринда Ғузор тумани ХТБ мудири Хусниддин ака Нуриддиннинг “Маърифат” газетаси хусусида айтган ушбу мулоҳазали гапларини эслаб ўтиш жоиздек туюлади:

— Биз “Маърифат”дан қанча нарса ўргандик, буни санаб охирига етишимиз иложи йўқ. Бироқ, ҳали “Маърифат”дан жуда кўп нарсаларни ўрганишимиз керак. Улар нималар? Буни ҳам санаб охирига етиб бўлмайди. Ўйлаймики, “Маърифат” янги йилда ҳам бизга янгидан-янги нарсаларни ўргатади.

Бундай ишонч биз, “Маърифат” газетаси ходимларига бениҳоя улкан масъулият юклайди.

**Абдували ОБИДДИНОВ,**  
**“Маърифат”нинг махсус мухбири**  
**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ** олган сурат.

## БАХТИМИЗ ҚОМУСИ — МИЛЛАТИМИЗ НОМУСИ

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 41-мактабда Конституция кўнига атаб тадбир ўтказилди. Унда Ҳуқуқшунослик олийгоҳининг катта ўқитувчиси Миродил Баратов, “Никоҳ ва оила” маросимлар марказининг назоратчиси Раъно Корабоева, “Гулобод” маҳалласи фаоллари, халқ посбонлари, ота-оналар ҳам иштирок этишди. Тадбирлар хонасининг деворий газеталар, қонунчиликка оид китоблар ташкил этилиб жиҳозланишида 5-8 синф ўқувчиларининг хизматлари катта бўлди. Улар тарих, география ўқитувчилари Ш.Муҳиддинова, М.Ғиёсова, Д.Исҳоқовалар бошчилигида кўшни давлатлардаги сиёсий вазиятлар, террорчиларнинг ваҳшиёна ҳаракатларини саҳна кўринишлари орқали кўрсатиб бердилар.

Тадбир сўнгида меҳмонлар ва мактаб раҳбари конституцияни ёш авлодга ўргатиш, уни байрам сифатида нишонлаб, тадбирлар ўтказиш гоят муҳим эканини таъкидладилар.

**Муножот МҰМИНОВА**



**БАРЧАМИЗ  
МАСЪУЛМИЗ**

Ўқувчининг китоб ўқишга бўлган қизиқишини янада орттириш учун барча-барчамиз — ота-оналар, оила аъзолари, синф раҳбари, фан ўқитувчиси, кутубхоначи, қолаверса бутун жамоатчилик масъулмиз. Бу масъулиятчи вазифани бажаришда мақола муаллифи М.Валиева таъкидлаганидек, китоб савдоси билан шуғулланувчи ходимлар яқиндан ёрдам берсалар, савобли иш бўлар эди. Ўқувчиларни дарслик ва ўқув адабиётлари билан тўлиқ таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур "китоб савдоси" шахобчаларида мактаб кутубхоначилари фаолият кўрсатадилар. Мактаб кутубхоначиси "китоб савдоси" уюшмаси билан ("Маърифат" газетасида чоп этилаётган рўйхат асосида) шартнома тузди. Бу ўқувчи ва ота-оналар учун қатор қулайликлар яратмоқда. Галдаги вазифа — ўқувчиларни бадиий адабиётлар билан таъминлаш мақола муаллифи айтганидек, бажарилса, ўқувчиларимизнинг китобхон бўлишларига эришардик. Ўқувчиларнинг китоб ўқиши фақат кутубхоначига боғлиқ, деган саёз фикрдан йироқ бўлиб, ота-она фарзандининг камоли учун, синф раҳбари ва фан ўқитувчиси ўқувчининг билимдон ва ақлли бўлиши учун масъуллигини унутмасалар фарзандлари-

миз биздан-да билимдон, зукко бўлишлари учун имкониёт яратган бўламиз.

**Г.МУМИНОВА,**  
**Марғилон шаҳридаги**  
**8-мактаб кутубхона мудираси**

**ИЗЛАГАН ИМКОН  
ТОПАДИ**

Мактаб кутубхоначиси бўлиб ишлаётганимга 14 йил-

офтобим"дан 1-4-синф ўқувчилари, кутубхонада боридан юқори синф ўқувчилари баҳоли кудрат фойдаланмоқдалар.

Битирувчи синф ўқувчиларининг кутубхонага китоб совға қилиш ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз, аммо қишлоқдаги ота-оналарга буни тушунтириш қийин кечмоқда. Кўп оилаларда 4-5 на-

Шундай йўл тутиб кутубхонани бойитиб олмоқчиман.

Баъзида дардингни кимдир тинглашини хоҳлаб қоласан. Севимли газетам орқали айтмоқчиманки, текширувчилар фақат камчилигингни қидирмай, сен билан дилдан сўхбат қилсин. Ўқувчилар билан олиб борилаётган ишларинг хусусида қизиқсин, кўплаб қоғозларни йўлигаги-

**Aks-sado**

раҳбари, синф раҳбари ва кутубхоначи масъул бўлишлари шарт.

Эдуард Лабуле айтганидек, "Тараққиётнинг умумий кўламида ҳар бир халқнинг ўрни ўша халқ ўқийётган китобларнинг сони билан белгиланади".

Мактабимизда ўқувчиларни китобхон қилишда қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда: ёзувчи ва шоирлар билан учрашув ўтказиш, ўқувчиларнинг туғилган кунларида китоб совға қилиш, оталиқ ташкилотлари, ота-оналарнинг кутубхона учун китоб совғаларини ташкил этиш, ўқилган китобларни муҳокама этиб бориш.

Мактаб кутубхонасини бойитишда эса битирувчи синф ўқувчилари, ота-оналар, оталиқ ташкилотларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. 1999-2000 ўқув йилининг ўзидаёқ мактаб кутубхонасига улар томонидан 80 минг сўмлик адабий-бадиий, илмий-сиёсий китобларнинг ҳада этилиши фикрининг далилидир.

Битирувчиларимизнинг университет, олий ўқув юртлари, лицей ва касбухона коллежларига юқори балл тўплаб кириб олишларида ҳам китобнинг ўрни алоҳидалигини таъкидламоқчиман.

**Асқар СУЛАЙМОНОВ,**  
**Тошкент шаҳар Сирғали**  
**туманидаги**  
**237-мактаб директори**

**ЎҚУВЧИ КИТОБ ЎҚИМАЙДИ(МИ?)**

"МАЪРИФАТ", 2001 ЙИЛ 10 НОЯБРЬ

Газетамизнинг 10 ноябрь сонидида эълон қилинган "Ўқувчи китоб ўқимайди(ми?)" мақоласи юзасидан газетхонлардан кўплаб мактублар олдик. Муштариоларимизнинг газетамизда билдириляётган мулоҳаза ва фикрларга бефарқ эмасликларни бизни янада қувонтирди. Қуйида мақола муаллифи Маҳмуда Валиеванинг мактабларда китоб савдоси уюштириш, ўқувчиларнинг китобхонлигини ошириш муаммосини ҳал этиш ҳақидаги таклифига муносабат билдирилган мактублардан айримларини эътиборингизга ҳавола этаётимиз.

дан ошибди. Болалар билан ишлаш жону дилим, улар ҳам менга ўрганиб қолишган. Мактабда қандай тадбир ўтказилса, албатта, ўқувчилар ёнимга келишади... Лекин керакли китоблар доим топилавермайди. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиларига бадиий адабиётларнинг камлиги — оғрикли муаммо. Бу муаммони ечиш биргина кутубхоначининг қўлидан келмайди, албатта. Тегишли ташкилотлар ҳам ёрдам бериши лозим, деб ўйлайман. 1-синф ўқувчиларига совға қилинган бепул дарсликлар, "Китобим-

фардан бола, уларнинг ҳар бирига китоб-дафтар, ручка-қалам ва ҳоказолар олиб беришнинг ўзи бўлмайди. Шундай бўлса ҳам кутубхонани бадиий адабиётлар билан тўлдириш мақсадида синфлараро мусобақани йўлга қўйдим. 1-чорак якунига кўра 7-синфлар голиб бўлиб, кутубхонага 55 та китоб совға қилдилар. Янги йил байрами арафасида голиб синфга ўз маблағим ҳисобидан совға бермоқчиман. Совғани китоблар сонига эмас, ўқишлилигига қараб белгилайман.

на қоралашга чек қўйсин.

**Улуғой АБДУКАРИМОВА,**  
**Сурхондарё вилояти Бойсун**  
**туманидаги**  
**35-мактаб кутубхоначиси**

**ТУФИЛГАН КУНГА  
МУНОСИБ СОВҒА**

Мақола муаллифи таъкидлаганидек, ўқувчининг китобхон бўлишида "ойнаи жаҳон" кўрсатувлари, радиоэшиттиришлари, рекламаларнинг ҳам ўз ўрни бор. Шунингдек, бу борада мактаб, ўқувчи ва оила ҳамкорлигини йўлга қўйиш зарур. Бунда мактаб

**ИККИ КУНДА ҚАНЧАМИ ЁКИ ЕТТИ КУНДА?**

Эндигина мактабга қадам қўйган бошланғич синф ўқувчиларининг қўлларидидаги дарсликларини варақлар эканми, бежирим муқовали, сифатли қоғозларга чиройли қилиб ишлов берилган дарсликларни кўриб ғурурланамиз. Лекин баъзи дарсликлардаги имловий хатолар, масалалардаги мужмал саволлар, мураккаб матнни кўриб таъзимиз биров хира тортади. Баъзан ота-оналар нолиб қолишади:

— Хайронман, нимагадир боламнинг уй ишини тайёрлашга қарашай дейману математикадан ёки она тилидан берилган саволнинг мазмунини ҳеч тушунолмайман.

Дарсликдаги бу нуқсонлар, ҳатто, ўқитувчиларни ҳам чалғитиши табиий. Арзимаган хато ўтган бўлса ўтгандир, ўқитувчи фаросатли бўлса, ўзи тўғрилаб, ўқувчи онгига етказиб бераверади-ку, дейишингиз мумкин. Лекин бундай фикрлашга, хато ва камчиликларга панжа орасидан қарашга ҳаққимиз йўқ. Айниқса, болаларга билим бериш масаласига масъулият билан қараш лозим. Акс ҳолда боланинг онгида, дунёқарашда шундай бўлса ҳам бўлавераркан-ку, деган тушунча, таваккалчилик пайдо бўлади.

Яқинда 4-синф ўқувчиларининг математика ва она тили дарсларида иштирок этиб, ўз кузатганларимга асосланиб, бирикита далилларни келтирмоқчиман. Ўқитувчи ўқувчиларга иккала фандан ҳам маҳорат билан дарс берди. Ҳар хил савол-жавоблар билан ўқувчиларнинг билимини оширишга ҳаракат қиларди. Лекин китобдаги хатоликлар унга ҳам панд бериб қўйди, яъни ўқитувчининг фикрини чалғитди. Бу камчилик-хатони айнан дарсликдан келтирамиз:

(Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги нашрга тавсия этган

математика дарслиги. Тошкент "Ўқитувчи" нашриёти, 2000 йил 16 бет, 75-масала):

"Бир чўпон 2 та қўйнинг ҳар биридан 5 кг дан жун қирқиб олди. Агар қўйларни боқишга 900 сўм пул сарфланган бўлса 1 кг. жуннинг таннари неча сўм туради?"

Ёки 582-масалага эътибор беринг: "Мактаб боғида ўқувчилар 4 кун 80 тупдан ва 3 кун 100 тупдан дарахт кўчати ўтказишди. Икки кунда ҳаммаси бўлиб неча туп дарахт кўчати ўтказишди?"

Бола бечора масаланинг жавобини қандай топсин. Катталар тушунмаган туруқсиз бу савол мазмунини ёш бола қандай тушунсин? "Туруқсиз" деган жумлани ишлатганим учун бировлар хафа бўлма-синлар, чунки "Дўст ачитиб гапирди, душман кулдириб".

Шаҳардаги 38-мактаб, 4-синф ўқитувчиси Шохидахон Холмухамедовага бу ҳақда қандай фикр билдирасиз, деган саволни бердим.

— Авваллари дастурдаги мавзуларни бемалол китобга қараб ўқувчиларимга етказар эдим, — деди ўқитувчи афсус билан. — Ҳозир эса ҳар бир дарсимга алоҳида журнал тутиб келаман. Аввалига уйда яхшилаб ўқув дастурини кўздан кечиранди, машқ қилиб хато ва камчиликларини тўғрилаб, шу журналним орқали дарс ўтаман. Акс ҳолда ўзингиз гувоҳ бўлгандек ўқувчилар олдида тутилиб, ўзимни йўқотиб қўяман.

Бу мақолани ёзишдан мақсад кимларнингдир айбини топиш эмас. Болалар тақдир учун бир-биримизни танқид қилишимиз ўринли ҳол. Бунга ҳар бир маъсул киши эътироз билан эмас, эътибор билан қарамоғи даркор. Ўқитувчи-

ларнинг фикрини чалғитаётган, уларнинг билимига салбий таъсир кўрсатаётган ва ота-оналарнинг гашини келтираётган бундай камчиликларни қандай тузатиш

**ТАҲРИРИЯТДАН:** истак-фикр отаси, дейишади. Зотан, бизга хат йўллаган муаллифлар барча дарсликларни мукаммал кўришни исташади. Шу аснода жўяли фикрлар билдиришади. Муаллиф Раъно Маҳмудова ҳам аниқ мисоллар келтириб, ўз хулосаларини баён қилган. Худди шу мавзуда биз бошланғич синф ўқитувчилари билан сўхбатлашдик. Улар ҳам 4-синф дарслигида тузатса бўладиган камчиликлар бор, дейишди. Дарҳақиқат, Н.Бикбоева бошчилигидаги муаллифлар яратган дарсликлардаги масалаларда баъзи ноаниқликлар мавжуд экан. Масалан, 582-масалани бир ўқитувчи қуйидагича ечди:  $80 \times 4 + 3 \times 100 = 320 + 300 = 620$ . Бу ўқитувчи етти кунда экилган дарахт сонини топди. Масалада эса икки кунда ҳаммаси бўлиб неча туп дарахт кўчати экилгани сўралган. Иккинчи ўқитувчи эса икки кунда экилган дарахтлар сонини топишда қуйидагича усулдан фойдаланган:

**P.S.** Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Дарсликлар ва ўқув хужжатлари бошқармасидан хабар қилишларича, айни кунда ХТВ томонидан дарсликлар яратиш бўйича танлов эълон қилинган. Илгари дарслик ёзувчилар бир неча кишилик муаллифлардан иборат бўлса, эндиларда улар бир неча гуруҳларни ташкил этади. Демак, Халқ таълими вазирлигида дарсликларни яратиш бўйича янги сиёсат олиб борилапти. Келажакда дарсликларнинг янги авлоди фақат танлов асосида ёзилади. Чунончи, рақобат юзага келади, натижада дарсликлар такомиллашади. Уни чоп этиш эса нашриётлар ўртасида ўтказилган тендер асосида амалга оширилади. Хусусан, математика фани дарслиги ҳам. Аммо, бир нарсани унутмаслик керакики, нашриётлардаги масъул ва техник муҳаррирлар ҳам ўз масъулиятларини зиммаларидан соқит қилмасликлар керак. Зеро, улар ҳар бир белги, ишора ва жумла ёки асл нусхада берилган бирор соннинг беҳато ўтишига масъулдирлар.

керак, деган масалани мутасадди раҳбарлар ўйлаб кўрсалар, фойдадан холи бўлмасди.

**Раъно МАҲМУДОВА**

$80 \times 2 + 100 \times 2 = 160 + 200 = 360$ .

Бунга кўра ўқувчилар биринчи икки кунликда 80 тупдан 160 туп, иккинчи икки кунликда эса ҳар куни 100 тупдан жами 200 туп кўчат ўтказилган.

Ўқувчига савол шунчалик нотўғри берилганки, бола 2 кунда экилган дарахт сонини топсинми ёки 7 кунда ҳаммаси бўлиб қанча экилганини топсинми? — деган табиий савол туғилади. Илғор муаллимлар китобдаги 75-масалага ҳам чиройли ечим топа олмадилар. 26-мисол ҳам ғаройиб:  $(50+14):14$ . Қавс ичидаги 64 йиғиндисини 14 га қолдиқсиз бўлиб бўлмайди...

Демак, юқоридаги хат муаллифининг фикри тўғри бўлиб чиқаётир. Муаллимлар эса дарсликлар яна бир марта қайта кўриб чиқилиши тарафдори эканликларини айтишди. Хуллас, биз ҳам кейинги нашрларда қайд этилган камчиликлар, эътирозлар эътиборга олинади, тузатишлар киритилади, деб умид қилиб қоламиз.







## ТАЛАБА ВА ТАЪЛИМ

1942 йилда Наманган шаҳрида ўқитувчилар институти филиали очилган бўлиб, у Ўзбекистон ҳукуматининг Қарори ва Маориф министрлигининг 1955 йил 17 майдаги буйруғига асосан, Наманган давлат педагогика институтига айлан-тирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Ка-

римовнинг 1992 йил 28 февралдаги Фармони билан педагогика институти Наманган Давлат университети мақомини олди.

Ҳозирги кунда университетда 23 таълим йўналиши бўйича бакалаврлар, 12 та ихтисослик бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

ИҚТИДОРЛИ  
ТАЛАБАЛАР ҲАЁТИДАН

Бугунги кунда университетда 360 нафар иқтидорли талаба таҳсил олмақда. Уларнинг ҳар бири хусусида алоҳида маълумотлар тўплаб борилмоқда.

5 нафар талаба Давлат стипендияси, 7 нафари турли номдаги нуфузли стипендия совриндорларидир.

Республика миқёсида бўлиб ўтган фан олимпиадаларида фаол иштирок этган талабалардан 8 нафари шахсий биринчилик голиби бўлишди. Умумжамоа миқёсида иккинчи ўринга 5 киши, учинчи ўринга бир киши лойиқ деб топилди. Фолиблар университет маъмурияти томонидан тақдирланишди.

Иқтидорли талабалар нафақат турли анжуман, семинарларда, балки матбуотда ҳам фаол муаллифлардир. "Шарқ ва Фарб: зардуштийлик ва "Авес-

## Faxr

то"нинг фарб дунёқарошига таъсири" конференциясида 14, "Ўзбекистон фани: кеча, бугун ва келажаги" анжуманида 4, география фанидан ўтказилган илмий анжуманда 6, ёш кимёгарларнинг III Республика йиғинида 10 нафар талаба ўз илмий маърузалари билан қатнашдилар.

Бир неча талабалар турли фонд ва грантларнинг голиби сифатида чет элларда таҳсил олишга сазовор бўлдилар. "Умид" жамғармаси, АКСЕЛС, Гёте институти танлов ва грант фолиблари сифатида М.Дадахонова, А.Нажмиддинов, А.Межлумова, Р.Юсупов, М.Хайдаров, М.Мамшева, М.Сотиболдиевалар ривожланган давлатларда таҳсил олиб қайтишди.

Университет магистратурасига Жанубий Корёя фуқароси Пак Кенг Гун ватан тарихи ихтисослиги бўйича қабул қилинди. Унинг магистрлик диссертацияси ўзбек миллий урф-одатларига бағишланган.

Зулфия мукофотида даъвогар 12 нафар талабадан 2 нафари республика турига тақдим этилди.

Milliy dastur —  
amalda

лимнинг магистратура босқичи йўлга қўйилди. Шу ўринда 2001 йилнинг апрель ойида университетимизда магистратура таълимини ривожлантириш бўйича республика илмий-амалий анжуманининг ўтказилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Таълим-тарбия бирламчи вазифа. Лекин илмий-тадқиқот ишлари ҳам эътиборимиздаги асосий соҳадир. Агар 1993 йилда

## МАҚСАД: МАЛАКАЛИ КАДР ТАЙЁРЛАШ

Мамлакатимизда олий таълим тизимининг ривожланиш тамойилларини ўз фаолиятида акс эттиришга ҳаракат қилаётган университетимиз жамоаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросида ўз ўрнини аниқ белгилаб олди.

Айни пайтда университетимизда 3700 дан ортиқ талабанинг кундузги ва сиртки таҳсили учун шaroит яратилган. Уларга жами 34 та кафедраларда фаолият кўрсатувчи 375 нафар малакали илмий-педагогик ходимлар 374 та фан йўналишлари бўйича таълим бермоқдалар. Ўқитувчиларимиздан 22 нафари фан доктори, профессор, 153 нафари фан номзоди илмий даражаларига эга.

Шу ўқув йилидан бошлаб ихтисослик йўналишлари сони 23 тага етди. Жумладан, шу ўқув йилининг ўзида "Ҳуқуқ, маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси" ва "Ижтимоий маданий фаолият" йўналишларига талабалар қабул қилинди. Бундан ташқари ўтган ўқув йилидан бошлаб университетимизда таъ-

илк бор 3 та йўналиш бўйича аспирантура очилган бўлса, бугунга келиб улар сони 12 тага етиб, 43 нафар ёш тадқиқотчи илмий изланишлар олиб боришяпти. Бундан ташқари, икки киши мақсадли докторантурада, 17 киши республикамизнинг бошқа олий ўқув юртлири ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг тармоқ институтларида кундузги ва сиртки йўналишларда аспирантурада ўз илмий-тадқиқот ишлари билан банд.

Университетда талабаларнинг мустақил таълим билан шуғулланишлари умумий таълим жараёнининг 30 фоизини ташкил қилади. Бунда факультет ва мутахассислик кафедралари қошида ташкил қилинган фан тўғарақлари, илмий семинарлар катта ўрин тутаяди. Бундай тузилмаларнинг йўлга қўйилиши талаба ва ўқитувчилар ўртасида устоз-шогирд муносабатларининг намоён бўлишига олиб келяпти.

Ўтган ўқув йилидан эътиборан ўқув режасига киритилган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини

ўқитишга университетимизнинг энг тажрибали, илмий салоҳияти юқори бўлган профессор-ўқитувчилари жалб қилинди. А.Абдураҳмонов, М.Нишонов, доцентлар А.Хусайнов, С.Норқўзиев, Б.Исоқовларнинг дарслари талабалар томонидан тан олинганга гувоҳимиз. Умуман олганда, мазкур фан бир неча йўналишларда ўқитилаяпти. Ҳар бир ихтисослик йўналиши ўқув режасига киритилган бўлиб, уни талабалар мустақил фан сифатида ўрганадилар ва машғулотлар якунида ўзлаштириш бўйича баҳолашади.

Миллий истиқлол ғоясини ўрганишнинг иккинчи йўналиши академик гуруҳлар доирасида олиб борилади. Бунда гуруҳ раҳбарлари томонидан ҳафтанинг ҳар душанба куни "Мураббийлик дарслари" ўтказилади.

Учинчи йўналиш бевосита талабаларнинг ўзлари томонидан уюштирилладиган турли хил тадбирлар, бадиий кеча, танлов, анжуман, семинар тарзида олиб борилади. Бу эса талабаларнинг

## ҲОЗИРЛИК

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Талаба-ёшлар спорт уюшмаси тўғрисидаги Низом"ига мувофиқ, бизда ҳам талабалар спорт уюшмаси ташкил қилинди. Бу уюшма университетдаги барча талабалар ва профессор-ўқитувчилар соғлиқларини мустаҳкамлашга, мусобақаларга тайёргарлик кўришга сафарбар этилган. Айниқса, спортнинг баскетбол, кураш, белбоғли кураш, теннис, стол тен-

## Sport

ниси, волейбол, енгил атлетика, шахмат, футбол, сузиш, қўл тўпи турлари бўйича секциялар мавжудки, уларда доимий равишда машғулотлар уюштирилмоқда.

Ҳозирги кунда "Универсиада-2002" дастуридаги спорт турлари бўйича мусобақаларнинг биринчи босқичи бошланди. Барча факультет талабалари республика босқичига йўл олиш учун ҳаракат қилишяпти.

Футбол, баскетбол, шахмат ва енгил атлетика каби турлардан бўлаётган мусобақалар кўтаринки руҳдалиги билан ажралиб турибди. "Универсиада-2002" ўйинларида голиб чиқиш ниятимиз бор.

С.АЗИЗОВ,  
университет  
жисмоний маданият  
факультети декани



Талабалар танаффусда

КИЧИК ҲУДУДДАГИ  
«УМИД»

1997 йилдан эътиборан университет муассислигида "Умид" газетаси дунёга келди. У вилоятдаги олий ўқув юртлири, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежи талабалари, устозларнинг сеvimли наشريга айланди. 30 минг нафардан зиёд талаба-ёшлар ва ўқитувчилар газетамизнинг ҳар бир сонидаги мақола, лавҳа, хабарлардан баҳраманд бўлмоқдалар.

"Менга сўз беринг", "Қандай яшайпсиз, талабалар", "Ётоқхонада нима гап?", "Маънавият сабоқлари", "Талаба илҳами", "Тарих ва миллат", "Конституцияни ўрганамиз", "Тинчлик ҳар нарсадан а з и з", "Баркамол авлод — юрт келажаги", "Тиёҳвандлик — иллат", "Истиқлол — менинг тақдиримда", "Абитуриент минбари" каби рукнлар ўз муаллифларига эга.

"Умид" саҳифаларидан Америка, Германия, Япония, Франция, Ҳиндистон каби мамлакатларда ўқиётган наманганлик талабаларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам жой олаётир. Бундан ташқари Беруний, Ибн Сино, Улуғбек стипендияси совриндорлари, "Умид" жамғармаси грантини олган йигит-қизлар ҳаёти ҳақида ҳам қизиқарли суҳбат, мақолалар чоп этилмиз.

Акmalжон ХУСАИНОВ,  
"Умид" газетаси муҳаррири

## КУРСЛАР ОРҚАЛИ ХОРИЖГА

1991-1992 ўқув йилининг 1 октябрдан уз фаолиятини бошлаган чет тилларини урганиш марказининг мақсади қисқа вақт ичида чет тилида сузлашиб, уз фикрини оғзаки ва ёзма шаклда баён қила оладиган, чет тилида чоп этилган мақола ва адабиётлардан фойдаланишни истаган мутахассисларни тайёрлаб келяпти. Уқиш муддати 3,6,10 ойлик. 1998-1999 ўқув йилидан бошлаб 2 йиллик курслар очилди. Бу курсларни битирганларга гувоҳно-

ма ва диплом берилади.


Ҳозирга қадар тил марказини мингдан ортиқ тингловчи битирди. Айниқса, икки йиллик курсни битирган тингловчилардан айримлари Америка, Англия, Германия, Ҳиндистон каби давлатларда ўқишяпти. Б.Баҳромов, О.Ортиқова, Ю.Қосимова, Х.Хусайнова каби ўқитувчилар фахримиздир.

Р.КАРИМОВ


## Til bilgan — el bilar







# МАКТУБЛАРДА ҲАЁТ НАФАСИ



Газетамиз — муаллимлар мин-барни. Оллоҳ назари тушган юртимизнинг барча муаллимлари ижодкор, тийрак кўз соҳиби.

Куйида берилаётган мактублар ана шундай синчков нигоҳ эгаларига тегишли. Уларнинг фикрларига қулоқ тутайлик.

## ЁШ ИЖОДКОР

Беҳзодда санъатнинг ҳайкалтарошлик соҳасига бўлган қизиқиши у туғилиб ўсган муҳитнинг таъсирида юзага келган бўлса керак. Беҳзод асли Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидан. "Жом" ижара хўжалигининг Иброҳим ота қишлоғида 1987 йилнинг 20 февралда таваллуд топган.

Тўлаган Ёркулов ҳам республикада таълиқ ҳайкалтарош. У киши талабаларга дарс бериш билан бирга шоғирди Беҳзодга ўзининг Самарқанд шаҳрида жойлашган ижодхонасида ҳайкалтарошлик сирларини кунт билан ўргатиб келмоқда. Ҳозирда Беҳзоднинг ушбу ижодхонада турли мавзуларга оид яратган асарлари 30 дан ошган.

Ўзи туғилиб ўсган қишлоғидаги 60-ўрта мактабнинг 8-синфида таҳсил олмақда.

Ушбу асарларнинг ҳаммаси табиий тоғ тошларидан ясалган.

Беҳзод 1999 йили Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Бадиий Академияси томонидан ўтказилган "Болалар санъати-2000 — Ўзбекистон" миллий фестивалининг дипломи, 2001 йилнинг январда ўтказилган "Иқтидорли болалар" Х республика анжуманида бадиий йўналишнинг "ҳайкалтарошлик шўъбасида 1-ўринни эгаллагани учун анжуманнинг фахрий ёрлиғи билан, шу йилнинг мартида эса республика анжуманидаги фаол иштироки учун мақтов ёрлиғи билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Мен нечун севаман Ўзбекистонни" республика кўрик-танловида ёш ижодкор ўзининг ҳайкалтарошлик соҳаси бўйича "Ўзбек кураши" номи асари билан иштирок этиб, III ўринни эгаллади.

Ёш ижодкор Беҳзод Тошпўлатовнинг бундан кейинги ижодий ишларига барака, ўқишларида муваффақиятлар тилаймиз. Мустақиллик кашф этган бундай ёш ижодкорлар янада кўпаяверсин.

Унинг устози **Элмирза ЭРКАЕВ, аспирант**

**Наби чол невараси Қўлдошнинг тийраклиги, чаққонлиги, шўхлигидан баъзан қувонса, баъзан ташвишга тушади: у велосипедни тезлатиб, унинг рулини қўлда эмас, оёқда бошқарар, симёғоч устига мушукдек ёпишиб чиқар, серкатнов йўлда машиналарга чап бериб юрар, кечалари қоронғуда ёлғиз саёқ кезарди...**

**Мана, у бугун фалокатга учраб, касалхонада ётибди. Қўлдошнинг елкаси ва боши, юзлари оппоқ дока билан ўралган. Оёғи аллақандай нарвонга ўхшаш темирга боғланиб,**

## ИБРАТ (катра)

**оғир тош осиб қўйилганди. ... Кўшниси — Раҳимбой ўз ўғли Халилни етаклаб Қўлдошни кўргани келди. Наби чолнинг кўзида ёш.**

**— Кўрдингми, Халил, дўстинг Қўлдош қандай аҳволга тушди. Кўчага ҳам, уйга ҳам, ергаю кўкка сизмаган бола, мана, шу кичик хонадаги кичик бир кароватда "михланиб" ётибди. Энди у шу аҳволда оилаб шифтга термулиб ётишга мажбур. Чунки, у ўз қўлидаги бахти — соғлигининг қадрига етмади. Ҳатто, уни ўз қўли билан поймол қилди. Сен бундан ибрат ол, ўғлим!..**

**Ўсарбек ҚОРАБОЕВ, Хўжаобод туманидаги 21-мактаб ўқитувчиси**

## ДАРСЛИКЛАРНИ ЎҚИШ...

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги тасдиқлаган 6-синф адабиёт дарслигида (муаллифлари: Қ. Йўлдошев, Қ. Хусанбсева, Н. Фуломова Т. «Ўқитувчи», 1999 й.) жаҳон адабиётининг нодир намуналаридан италян ёзувчиси Жанни Родарининг "Хуриш-ни эплогмаган кучука" эртаги берилган. Эртақ уч хил тугайди. Уни ўқиган ўқувчи ўйлашга, фикрлашга мажбурдир. Ўқувчи уч хил тугаши ўқиб қайси бири ўзига ёққанини айтади. Шундай экан, ўқувчининг фикрлаш доираси кенгайишида бу асарнинг ёрдами катта.

ган. Асарни ўқиган ҳар бир ўқувчининг ёки китобхоннинг кўз олдида ўзбек миллатининг мард ўғлонлари намоён бўлади:  
Бу асарни ўқиган ўқувчида бир қатор хислатлар уйғонади:  
— эзгуликка муҳаббат;  
— хиёнатга нафрат;  
— ор-номус учун кураш;  
— киндик қони томган жойга муҳаббат;  
— гўзалликни англай олиш;  
— ҳаққонийлик;  
— адолатлилик;  
— кексаларни хурмат қилиш;  
— ҳаёт учун кураш ва ҳоказо.

дин Рабғузийнинг "Қиссаи Рабғузий" асаридан парчалар берилган. Бу асар олам ҳодисаларини ислом дини нуқтаи-назаридан тушунтириб беради. Асарни ўқиган ўқувчида қизиқиш пайдо бўлади, лекин дарсликда берилган парчада ўқитувчи ўргатишида озгина ноқулайлик туғдирадиган томони бор:

"Бир куни Нух алайҳис-салом узиюр эрди, ел эсанди. Нух этагин кўтурди, уват андоми очилди. Хом ани кўриб кулди. Сом Хомга маломат қилди.

Ёфас ани кўриб, тўни бирла артди".

Бундай воқеа-ҳодисани 6-синф ўқувчиларига тақдим қилиш шартмикан? Ўрнига бошқа ибратли ҳикоятлар қўйилса яхши бўлар эди.

**Рустам ЮСУПОВ, Хонқа туманидаги 46-мактаб ўқитувчиси**

Дарсликни варақлар эканмиз, ўзига хос истеъдод эгаси Тоғай Муроднинг "Юлдузлар мангу ёнади" қиссаси кишини ўзига жалб қилади. Дарсликда бу қиссадан парчалар берил-

Адабиётнинг асосий мақсади инсон қалбига эзгуликка нисбатан муҳаббат, ёвузликка қарши нафрат уйғотишдир. "Юлдузлар мангу ёнади" номи қисса эса мана шундай асарлардан биридир. Яна дарсликни варақлашда давом этамиз. Носириддин Бурхонид-

## ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА БИРДАМ БЎЛАЙЛИК

Маърифатни жаҳолатдан кўра афзал эканлигини тўлиқ англаб етган халқ таълими ходимлари "Терроризмга қарши курашда бирдам бўлайлик" — Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига қилган мурожаатини сидқидилдан қўллаб-қувватлайдилар.

Шу йилнинг 10 декабрида А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОИда бир гуруҳ тингловчилар ва институт ўқитувчи-профессорлари ўртасида мазкур мурожаатнома ўқиб эшиттирилди, муҳокама қилинди.

Институт ректори, профессор Ж.Йўлдошев сўзга чиқиб, халқаро терроризмга қарши курашда давлатимиз раҳбари Исломо Каримов олиб бораётган илчил сиёсатни яқдиллик билан маъқуллашмиз, ўз фикримизда собитқадам, мустақкам туришимиз лозимлигини ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб берди.

Шунингдек, ушбу мурожаатнома юзасидан институтнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори, фалсафа фанлари номзоди доцент С.Зиёев, "Ижтимоий фанлар ва маънавият" кафедрасининг мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент Н.Ремеевлар ҳам далиллар асосида мана шундай мураккаб бир вазиятда ҳар бир кишининг бурчи ва масъулияти ошганлигини таъкидлашди.

Муҳокамада гуруҳ тингловчиларидан Ш.Ражабов ва М.Жўракуловлар сўзга чиқиб, мурожаатномадан беҳад руҳланганликлари, Ватан тинчлиги, фаровон ҳаёт учун фидокорона меҳнат қилиш ва соғлом фикрли, ташаббускор, фидойи, фарзандларимиз таълим-тарбиясига эътиборлироқ бўлишимизга қаҳиравчи даъват деб қабул қилишганлигини айтиб ўтишди.

**Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА, А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОИ катта ўқитувчиси**

Достонлар воситасида қизларга тарбия бериш миллий тарбиянинг узагидир. Достонлар халқнинг узлигини, тилини, урф-одатларини, қадрият ва анъаналарини ифодалаб берувчи кузгу. "Ойсулув" достонини Эргаш Жуманбулбул ўғлидан фольклоршунос олим Ҳоди Зариф 1937 йили ёзиб олган. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг айтишича, у бу достонни отаси Жуманбулбул бахшидан эшитган. Отаси эса XIX асрнинг машҳур, сузга чечан бахши аёли Тилла кампирдан эшитган. Ҳоди Зариф достонни Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олган, узи мустақил қолда "Ойсулув" деб номлаган.

Достонда нақл қилинишича, қадимда Эрон ва Турон бир-бири билан тараф экан. Эрон шоҳи Доро Турон юртини босиб олмоқ пайида юрар экан. Туронда уша вақтларда Ойсулув номли ниҳоятда сулув, ақли ва алп аёл подшолик қиларкан. Ойсулув пошонинг ақли ва маҳорати туфайли Доро уз ниятига ета олмабди. Ойсулувнинг бир ўғли булиб номини Кунботир дер эканлар. Кунботир уз хусни, ақли, ҳамда билак кучи билан барча алплардан устун тураркан. Ҳараз кунгили Доро бир куни лашкарбошиси Паҳлавон Қайсарга буюриб, Кунботирни ҳийла билан асирга олади. Сунгра Ойсулувдан ўғли эвазига Туроннинг узига бўйсунини талаб қилади. Бироқ Ойсулув унинг бу дукларидан қўрқмай, узил-кесил жангга ҳозирланади. Элчилар орқали Дорога уз юртини, озодлигини ҳеч қачон қўлдан бермаслигини маълум

қилади.

Хал қилувчи курашда Ойсулув ва унинг қўшинлари галаба қозонади. Ойсулув қолган-қутган аскарларни Эронга қувиб бориб, қириб ташлайди. Кунботир Дорони улдираб, омон-омонлик бошланиб, Эрон Туронга тобе булади. Кунботир зиндонда ётганида Паҳлавон Қайсарнинг қизи Офтобой ундан хабар олиб турган, кейинчалик уни зиндондан чиқариб Эрон ва Турон жангига юборган эди. Икки ёшнинг муҳаббатини қурган Ойсулув уларнинг бошини қовушти-

## ОЙСУЛУВНИНГ ЖАСОРАТИ

риб қуяди.

Достонда Ойсулув образи узига хослиги билан ажралиб туради. Ойсулув Ватанини жонидан севган, уз халқига ҳаминша салокатли булган, жангларда мард эркаклардан узини кам билмаган фидокор аёл. У юртини, озодлигини сақлаб қолишда қаҳрамонлик курсатади. Эрон лашкарларининг олдида келаётган 40 минг девдан қўрқмай якка узи олишади. Шиддатли ҳужум қилиб, девларни тирқиратади. Биз Ойсулув тимсолида вақти келганда қуролни ҳам ишлата билувчи, қаҳрамонлик курсата олувчи уолов, жасур аёл сиймосини курамыз. У хотин боши билан бутун лашкарга

бош булади. Ёлғиз ўғли Кунботирнинг банди булганидан қайғурса-да, ҳеч кимга билдирмай, сабр-тоқат қилади. Бу урушни биргина ўғлини қутқариш учун эмас, балки ўғлини домига ютган соянинг Туронга ҳам етишини истамагани учун жангга қиради. Образини яна бир характерли жиҳати шундаки, Кунботирнинг Эрон лашкарбошиси золим Паҳлавон Қайсарнинг қизи Офтобойга кунгил қуйишига монелик қилмайди. Ўғлини Офтобойга уйлантириб, 40 кун туй-томоша беради. Бу образ асарда тулақонли ва атрофлича тасвирланган. Ойсулув узбек хотин-қизларининг умумлашма, типик образидир. Унинг ҳозирги замон қизларига урناق булувчи жиҳатлари куп. Ойсулув характерда мужассамлашган барча гузал хислатлар узбек қизлари учун намуна була олади. Достонда тасвирланган воқеалар жараёни Ойсулув тимсолини тўлароқ тушунишга ёрдам беради. Мисол учун, ўғлининг зиндонбанд булганини эшитиб эсанкираб қолмаслиги унинг мулоҳазакор, ботирлигини курсатади. Эрон элчиларига қарата: "Мен Турон мамлакатимни, элу халқимни сизга бермайман, бўйсунмайман!" — деб хитоб қилади.

Достонни ҳар жиҳатдан урганиб, ундаги илгари сурилган гоёларни умумлаштириш ва қизлар тарбиясига татбиқ этиш қадриятларимиз тикланишига ёрдам беради.

**Б.ЖУМАНОВА, "Оила" илмий-амалий маркази аспиранти**



# УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБ КУТУБХОНАСИ НИЗОМИ

## 1. Умумий қоидалар

1.1. Умумий ўрта таълим мактаблари кутубхоналари ўқувчиларга, ўқитувчиларга хизмат кўрсатадиган мустақил таркибий ўқув-методик, ахборот ва маданий-оқартув бўлимига ҳисобланиб, таълим муассасасини дарсликлар, ўқув қўлланмалари, қўшимча китоблар билан тўлиқ ва мунтазам равишда таъминлайди ҳамда зиё тарқатадиган маданий ва маърифий марказ ҳисобланади.

1.2. Кутубхона ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Таълим тўғрисида"ги қонунларига, республика ҳукуматининг бошқа қарорларига, Халқ таълими вазирлигининг меъёрий ҳужжатларига, ўқув муассасасининг уставига ҳамда мазкур низомига таянади.

1.3. Ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида маънавий-ахлоқий жиҳатдан комил шахс қилиб тарбиялашга кўмаклашиш кутубхона иш фаолиятининг мазмунини ташкил этади.

1.4. Мазкур "Низом" мактаб кутубхоналарига қўйиладиган умумий талаблар даражасини белгилаб беради.

Халқ таълими тизимидаги барча кутубхоналар учун республика илмий-педагогика кутубхонаси мувофиқлаштирувчи марказ ҳисобланади.

1.5. Мактаб кутубхонасидан фойдаланиш тартиби ўқув муассасалари кутубхонасидан фойдаланишнинг намунавий тартиби асосида ишлаб чиқилади ва мактаб раҳбари томонидан тасдиқланиб, кўзга ташланадиган жойга қўйилади.

## II. Кутубхонанинг асосий мақсад ва вазифалари

2.1. Кутубхонанинг мақсади:

Республика Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, давлатимиз, жамиятимиз томонидан эришилган ютуқлар акс эттирилган педагогика, маданият, санъат ва фаннинг турли тармоқларининг энг илғор ютуқлари, ғоялари акс эттирилган адабиётларни тарғиб қилиш.

2.2. Миллий мафкура, миллий ғоя сингдирилган адабиётлар асосида баркамол шахс тарбиялаш ишида фаол иштирок этиш. Ўқув жараёни ва тарбиявий ишларга кутубхона-ахборот, библиографик хизматнинг ҳамма усул ва шакллари орқали ёрдам бериш.

2.3. Давлат таълими стандартлари ижросини таъминлаш ҳамда кутубхоналар эҳтиёжини қондириш мақсадида кутубхона — ахборот жамғармасини шакллантириш.

2.4. Худуд, шаҳар, вилоят, шунингдек, бошқа тизимдаги ўқув муассасаларига тегишли бўлган кутубхоналар билан ўз иш фаолиятини мувофиқлаштириш.

Кутубхона қуйидаги вазифаларни бажаради:

2.5. Мактаб ўқувчи-ёшлари ўртасида маънавий-маърифий тарғиботлар олиб бориш учун библиографик хизматни йўлга қўйиш, янги ахборотлар билан китобхонларни таъминлаш.

2.6. Президент асарлари, Олий Мажлис материаллари, республикамиз мустақиллиги, миллий мафкура ва миллий ғоялар мужассамлаштирилган, фан-техника ютуқлари, маданият ва санъат янгиликлари акс эттирилган адабиётларни тарғиб қилиш.

2.7. Мактабнинг ғоявий-сиёсий, маънавий-маърифий ишларида, касба уюшмалари ҳамда фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказишда қатнашиш.

2.8. Ота-оналардан дарсликларга буюртма олиш, эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда уни мактаб бўйича шакллантириш ҳамда тегишли ташкилотларга бериш.

2.9. Китобхонларга ўқув залида ва кутубхонанинг бошқа китоб бериш бўлим-

ларида табақалаштирилган хизмат кўрсатиш.

2.10. Ўқувчиларнинг китобхонлигини ошириш ва китобга бўлган қизиқишини ўрганиш.

2.11. Мактаб фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда янги адабиётларнинг тавсия рўйхатларини тузиш.

2.12. Ҳомий ташкилотлар, турли ташкилотлар ва муассасалар, айрим фуқароларнинг ёрдамлари ҳисобидан кутубхона захирасини тўлдириб бориш.

2.13. Кутубхонага мунтазам қатновчи китобхонларни жалб қилган ҳолда "Китобсеварлар клуби"ни ташкил қилиш.

## III. Иш мазмуни

3.1. Ўқувчилар ва ўқитувчиларга иш режасига мувофиқ хизмат кўрсатишни ташкил этиш.

3.2. Мактаб кутубхонаси соҳалар таркиби бўйича универсал, узвий таълим бериш ва ахборот вазифаларига мазмунан жавоб берадиган кутубхона жамғармасини шакллантиради. Жамғарма дарсликларини ўқув-методик, бадиий, маълумотнома характеридаги ўқувчилар ва ўқитувчилар учун мўлжалланган илмий-оммабоп адабиётларни ўз ичига олади. Жамғарма китоблар, журналлар, газеталар, рисолалардан иборат, шунингдек, ноанъанавий ахборот ташувчилар, нота нашрлари, грампластинкалардан тузилган бўлиши мумкин. Жамғарма таркиби ва нусхадорлиги мактаб турига, ўқувчилар контингентига, миллий ўзига хослигига кўра ўзгариб туради, зарур бўлганда мактабда ўрганилаётган чет тиллар бўйича ҳам адабиётлар комплексланади. Соҳага доир бўлмаган ва мазмунан бир-бирига ўхшаш адабиётларни қайта тақсимлаш мумкин.

Мактаб кутубхонаси ҳар йили дарсликларнинг етарли ёки етарли эмаслиги ҳақида ёзма ҳисобот тузади. Бир йилда икки марта педагогик кенгашда ҳисоб беради. Кутубхоначи ва мактабнинг илмий бўлим мудирини ўқувчиларнинг таркиби ва сонини ҳисобга олган ҳолда дарсликлар учун буюртма тузади ва туман(шаҳар) ХТБга тақдим этади.

3.3. Кутубхона мактаб маъмурияти билан биргаликда кутубхона жамғармасини жойлаштириш ва сақлаш режими асосида амалга оширади. Кутубхоначи "Мактаб кутубхоналари учун кутубхоначилик техникаси минимуми"га мувофиқ жамғарма ҳисобини юритади, уларга ишлов беради, асрайди. Жамғарма дарсликларининг ҳисоб-китоби мактаб дарсликларини ҳисобга олиш бўйича алоҳида китобда юритилади.

3.4. Ўқувчилар, ўқитувчилар, тарбиячилар, мактабнинг бошқа ходимлари, ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) кутубхонага аъзо бўла оладилар. Мактаб кутубхонаси заруриятга қараб микрорайон (қишлоқ) аҳолисининг педагогика ва халқ таълимига оид мавжуд адабиётларга бўлган эҳтиёжини қондиради. Китобхонларга ҳар томонлама хизмат кўрсатиш кутубхонанинг ўқув залида олиб борилади. Китобхонларга адабиёт танлашда ёрдам кўрсатилади, китоб билан ишлаш бўйича алоҳида ва оммавий тадбирлар ўтказилади. Мактаб кутубхонаси ўқувчиларнинг китоб мутолаа қилишларини уюштириш, педагогик таълимни ташкил қилишда ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га амалий ёрдам кўрсатади. Кутубхоналараро абонемент ва ички китоб алмашув усулларида фойдаланади.

3.5. Кутубхона маълумотнома библиография аппарати: ўқувчиларнинг турли ёш гуруҳлари ва ўқитувчилар учун каталоглар, картотекалар маълумотнома-библиография жамғармасини ташкил этади ва юритади, адабиётларнинг тавсиявий рўйхатларини расмийлаштиради.

3.6. Кутубхона мактаб педагоглар жа-

моаси ва ўқувчиларга ахборот библиография хизмати кўрсатади, болалар билан китоб ўқиш маданиятини тарбиялаш ишларини ўтказиши, китобхонлар орасида библиографияга доир билимларни тарғиб этади. Мактаб кутубхоначиси библиографияга доир билимларни тарғиб қилиш бўйича факультатив машғулотлар, муқовалаш иши бўйича тўғаракларни, кутубхоначилик касбига йўллаш ишларини олиб бориши мумкин.

3.7. Мактаб кутубхонаси мудирини, кутубхоначи кутубхона фаолларини тузади, ўқувчиларни кутубхона ишига жалб қилади.

## IV. Ишларни ташкил этиш

4.1. Мактаб кутубхонаси тегишли хона ва жиҳозлар, мактаб ўқувчилари контингентига мос дарсликлар жамғармаси, ўқув-методик, маълумотнома, илмий-оммабоп, бадиий адабиётлар мавжуд бўлганда очилади.

4.2. Мактаб кутубхонасининг ходимлари штатлар ва лавозим окладлари амалдаги штат нормативлари ҳамда маданий-оқартув муассасалари раҳбарлари ва мутахассислари учун ягона тариф ставкаларига мувофиқ белгиланади.

4.3. Кутубхонанинг иш тартиби меҳнат қончилигига биноан мактабнинг ички иш тартиби қоидаларига мувофиқ белгиланади. Кутубхоначиларни ўз вазифаларига алоқаси бўлмаган бошқа ишларга жалб этиш тақиқланади. Бир ойда бир марта кутубхонада тозалик куни ўтказилади ва шу куни китобхонларга хизмат кўрсатилмайди.

4.4. Кутубхона ходимлари белгиланган қоидаларга мувофиқ китобларнинг, матбуот материалларининг ва бошқа асарларнинг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан фойдаланишни таъминлайдилар. Улар амалдаги қонунчиликка биноан жамғарманинг қандай сақланганлиги учун моддий жавобгардирлар.

Мактаб маъмурияти адабиётларнинг, дарсликларнинг йўқолмаслигини таъминлаш ва китобхонларга хизмат кўрсатишни уюштириш учун зарур шароитларни яратиш бериш мақсадида кутубхонага керакли жиҳозлар, кутубхона техникаси, техник воситалар, нусха олиш, кўпайтириш техникаси, компьютерлар, кўриқлаш ва ёнғинга қарши кураш воситалари билан жиҳозланган, санитар-гигиена мезонларига мос келадиган алоҳида хона ажратиб беради.

Дарсликлар жамғармасини сақлаш учун алоҳида хона ажратилади. Мактаб маъмурияти жамғарма дарсликларини таъминлаш ва уларни сақлаш учун жавобгардир. Жамғарма дарсликларини ҳисобга олиш, сақлаш ва кутубхона ҳисобидан чиқариш, уларни синфлар бўйича қайта тақсимлаш ишини кутубхоначи мактаб маъмурияти раҳбарлигида амалга оширади.

4.5. Мактаб кутубхонасида "Мактаб дарсликларини ҳисобга олиш ва синфлар бўйича тақсимлаш китоби", шунингдек, мактаб дарсликларини ҳисобдан чиқаришга доир ҳужжатлар учун алоҳида папка юритилади. Бу ҳужжатлар мактаб маъмурияти томонидан тасдиқланади.

4.6. Кутубхона мудирини (кутубхоначи) моддий жавобгар шахс ҳисобланади.

4.7. Адабиётлар харид қилиш ва кутубхона таъминлаб туришига доир бошқа сарф-харажатлар белгиланган нормативларга мувофиқ туман(шаҳар) ХТБ маблағлари ҳисобидан кўзда тутилади. Шунингдек, мақсадли маблағ билан таъминлаш (ҳомийлик, база корхоналари, жамоат ва оталиқ ташкилотлари) орқали ҳам амалга оширилади.

4.8. Моддий-техника базаси ва кутубхона жамғармасининг аҳоли мактабнинг янги ўқув йилига тайёрлигининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

4.9. Мактаб кутубхонаси мактабнинг номи кўрсатилган тўртбурчакли муҳра ва бошқа зарур муҳрларга эга бўлади.

## V. Кутубхонанинг тузилиши. Штатлар ва моддий таъминоти

Кутубхона таркибида қуйидаги бўлиналар мавжуд бўлиши керак: китоб сақлаш хонаси, китоб бериш хонаси ҳамда кироатхона.

1. Мактаб маъмурияти ўз кутубхонасини меъёрий ҳужжатларга биноан бино, керакли асбоб-ускуна, жиҳозлар билан таъминлайди ҳамда кутубхона жамғармасини ва биносини ёнғиндан сақлаш, кўриқлаш, таъмирлаш, тозалашни йўлга қўяди.

2. Кутубхонанинг таъминоти ва жамғармасини тўлдириш учун кетадиган маблағ мактабнинг умумий харажатлар сметасида кўзда тутилади.

3. Кутубхона бошқариш ваколати, жамғармани сақлаш учун жавобгарлик амалдаги қонунларга биноан кутубхона мудирини зиммасида бўлади.

4. Кутубхона мудирлигига махсус кутубхоначилик маълумотига эга бўлган, бундай мутахассис бўлмаган тақдирда истисно тариқасида педагогик маълумотга эга бўлган, кутубхоначилик соҳасида ишлаган ходим тайинланади.

5. Кутубхона мудирини ишга қўйиш ёки бўшатиш мактаб раҳбари томонидан амалга оширилади. Кутубхонанинг бошқа ходимлари кутубхонанинг мудирини тавсиясига биноан мактаб раҳбари томонидан ишга қабул қилинади ёки бўшатилади.

6. Кутубхона мудирини бевосита мактаб раҳбарига бўйсунди ва педагогик кенгаш таркибига киритилади.

7. Кутубхона мудирининг иш режасини мактаб раҳбари тасдиқлайди ва кутубхона мудирини қилган ишлари бўйича мунтазам ҳисобот бериб боради.

8. Кутубхонанинг асосий иш кўрсаткичлари ва бошқа маълумотлар Халқ таълими вазирлиги, республика илмий-педагогика кутубхонаси, вилоят халқ таълими бошқармалари, туман халқ таълими бўлимлари, илмий-услубий комиссиялар сўровларига биноан тақдим этилади.

## VI. Кутубхона кенгаши

Кутубхона фаолиятини мактабда олиб бориладиган ўқув-тарбиявий ишлар билан мувофиқлаштириш учун кутубхона кенгаши тузилади.

1. Кутубхона кенгаши китобхонларга кутубхона, ахборот-библиографик хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга кўмаклашади.

Кутубхона кенгашига мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар, ота-оналар, жамоат ташкилотлари вакиллари киритилади.

2. Кутубхона кенгаши раиси этиб, мактабнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари, унинг ўринбосари этиб кутубхона мудирини тайинланади.

3. Кутубхона кенгаши таркиби мактаб раҳбари томонидан кутубхона мудирини тавсиясига биноан бир ўқув йили муддати билан тасдиқланади.

4. Кутубхона кенгашининг йиғилиши ҳар чорақда бир марта ўтказилади ва баённома билан расмийлаштирилади.

5. Кутубхона кенгашига қуйидагилар юклатилади:


— кутубхонанинг иш режасини тузишда қатнашиш, кутубхона иш режалари ва ҳисоботларини муҳокама этиш;

— кутубхона жамғармасини бутлашга ёрдам бериш;

— кутубхона жамғармаси ҳисобидан чиқарилаётган адабиётлар рўйхатини кўриб чиқиш;


— кутубхона ходимларининг китобхонлар билан ўтказадиган оммавий ишларини ташкил қилишда кўмаклашиш.

**ВАШИНГТОН ШАРТНОМАДАН ЧИКДИ**



АҚШ президенти Жорж Бушнинг 1972 йилги ракета ҳужумидан мудофаа тўғрисида тузилган шартномадан чиқишини билдиришига жавобан Россия Федерацияси раҳбари Владимир Путин ўз

фикрини маълум қилди. Унинг айтишича, Қўшма Штатларнинг бу ҳаракати нотўғри бўлса-да, Россия хавфсизлигига ҳеч қандай таъсир ўтказмайди. Кеча расмий Вашингтон мазкур шартномадан чиққанлигини расман эълон қилди. Президент Бушнинг фикрича, 1972 йилги келишув ҳозирда эскирган бўлиб, янги асрда мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашга хизмат қила олмайди. АҚШнинг Ракета ҳужумидан мудофаа тўғрисида ишлаб чиқилган миллий дастури эса Москва—Вашингтон муносабатларига ҳеч қандай салбий таъсир ўтказмайди.



**ШАҲАРДА ВАЗИЯТ ЖИДДИЙ**

Аргун шаҳрига айни пайтда Россия федерал кучларига қаршли танклар жойлаштирилди. Боиси, 300 га яқин чечен жангарилари қишлоқ учун тоққа яширинганликлари ҳақида маълумот олинган эди. Ҳозирда шаҳарга кириш-чиқиш йўллари тўла назоратга олинди, ҳарбийлардан ташқари барча ҳаракатлар тўхтатиб қўйилди. Шунингдек, аҳоли ўртасида паспорт текшируви жорий этилиб, эҳтиёт тарикасида, мактаблар ҳам ёпиб қўйилди. Аргун дарёси устидаги кўприкда эса жангарилар билан юз берган тўқнашув туфайли улардан уч нафари йўқ қилинди, дея хабар беради "Новости" ахборот маҳкамаси.

**АВСТРАЛИЯДА "СИБИР КУЙДИРГИСИ"**

Австрия ҳукуматининг билдиришича, мамлакатда фаолият кўрсатаётган АҚШ элчихонасига юборилган хатда "Сибир куйдиргиси" аломати борлиги аниқланди. Ҳозирда элчихона ходимлари тиббий кўрикдан ўтказилаётган бўлиб, лекин мактубдаги куйдирги аломати у қадар жиддий эмас. Бу хавф билан охири марта 21 ноябрь кунни 94 ёшли америкалик аёл ҳаётдан кўз юмганидан сўнг, расмий Вашингтон энди бундай фожеа содир этилмаслигига ишонган эди. Афсуски, хуруж яна давом этмоқда, дея хабар беради "Рейтер" агентлиги.

**РАББОНИЙ ҲОКИМИЯТНИ ҚАРЗАЙГА ТОПШИРАДИ**

БМТ томонидан тан олинган Афғонистондаги вақтинчалик ҳокимият раҳбари Ҳамид Карзай 22 декабрь кунни мамлакатнинг собиқ раҳбари Бурхониддин Раббонийдан бошқарувни расмий қабул қилиб олади. Унинг айтишича, биринчи вазифа афгон халқи тинчлиги ва хавфсизлигини тўла таъминлашдан иборат бўлиб, шунингдек, кишиларга ўз турмушларини яхшилаб олишлари учун иқтисодий имконият яратилиши лозим. Бундан ташқари, Карзай мамлакатга халқаро кучлар жойлаштирилиши ҳақида ҳам фикр билдириб, айни дамда Афғонистон бу борада хорижий давлатларнинг кўмағига муҳтожлигини айтди.



**ҲИНДИСТОНДА ХАВФСИЗЛИК КУЧАЙТИРИЛДИ**



Ҳиндистон парламенти биносига уюштирилган ҳужумдан сўнг расмий Деҳли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида умуммиллий операциялар ўтказишни бошлади. Ўтган кунни 6 нафар қуролланган шахсларнинг кўққис ҳужумлари туфайли 6 нафар полициячи ҳалок бўлган. Шунингдек, жавоб ҳаракатлари натижасида уларнинг ўзлари ҳам йўқ қилинганлар. Мамлакат бош вазири Атал Бихари Вайшья телевидение орқали чиқиш қилиб, бу ҳаракат бутун мамлакатга қарши амалга оширилган ҳужумлигини айтди. Шунингдек, террорчилар орақасида турган кимсалар ҳам, албатта, топилиб, жазага тортилишлари муқаррар. Лекин, ҳозирча уни уюштирганлар аниқ эмас. Би-би-си мухбирининг фикрича, ушбу фожеа парламентнинг террорга қарши қонун қабул қилишига сабабчи бўлиши мумкин.

**ТАЛАБ ИККИНЧИ БОР БАЖАРИЛМАДИ**

Тора-Бора худудига яширинган "Ал-Қоида" жангарилари ўзларининг 22 нафар етакчиларини топшириш ҳақидаги талабни иккинчи бор бажармаганларидан сўнг, АҚШ ҳаво кучлари уларга қарши ҳужумни давом эттирдилар. Ҳозирда "Б-52" самолётлари ушбу тоғли худудни бомбардимон қилишни янада кучайтирганлар. Шунингдек, курукликда ҳаракат қилаётган Шимолий Иттифоқ кўшинлари ҳам ўз ҳаракатларини жадаллаштиришган бўлиб, мақсад "Ал-Қоида" раҳбарларини тириклайин қўлга олишдир.



АҚШда эса Усама бин Лоденнинг 11 сентябрдаги террор актларига алоқадорлигини исботловчи видеотасма намоён этилди.

**МОЖАРО КЕСКИНЛАШМОҚДА**



Исроилнинг "F-16" самолётлари ва "Араче" вертолётлари Рамаллох шаҳридаги полиция маҳкамасига ҳамда Жениндаги Ёсир Арофат штаб-квартирасига ҳужум уюштирдилар. Шунингдек, Хон-Юнусдаги қочқорлар лагерига ҳам Исроил кўшинлари бостириб кирганлар. Бу ҳаракатлар туфайли эса 20 дан ортиқ киши жабр кўрди.

АҚШнинг Яқин Шарқ бўйича махсус вакили истеъфодаги генерал Энтони Зинни томонларни муросага чақираётган бўлса, Эрон ҳукумати БМТдан ушбу можарога эътиборни кучайтиришини сўради.

"Internet" хабарлари асосида ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети 103-гуруҳ талабалари тайёрлашди.

Кўплаб Нобель мукофоти совриндорлари орасида физиология ва тиббиёт соҳаларида ижод қилган номдор олимлар қаторида ўз даврида кўплаб кашфиётлар муаллифлари бўлмиш эр-хотин Карл Фердинанд Кори ва Гертти Тереза Корилар ҳам ўрин олган.

Австрия-америкалик биокимёгар Гертти Тереза Кори 1896 йилнинг 15 август кунни Прагада ишбилармон ва қанд ишлаб чиқарувчи завод бошқарувчиси бўлган Отто Радниц ҳамда Марте Радницлар оиласида дунёга келди. Бошланғич ва ўрта маълумотни хусусий ўқитувчилар қўлида олгач, ўқишни гимназияда давом эттирди. 1914 йили Прагадаги Олмония университетининг тиббиёт факультетида ўқишга кирди. Ўқиш даврида у тиббиётчи-талаба Карл Кори билан танишиб қолади. 1920 йили университет дипломини олгач, ўша йили у К.Корига турмушга чиқди.

Тўйдан сўнг улар Венага кўчиб ўтадилар ва Гертти у ердаги Каролина болалар касалхонасида ишлаб бошлади. 1922 йилдан эса аввалига ассистент-патолог, кейинчалик ассистент-биокимёгар бўлиб ишлаш билан бир қаторда глюкозалар ва гликогенлар биокимёсини ўрганиш билан боғлиқ илмий йўналишга киришди.

Улар биргаликда олиб борган илмий изланишлари давомида глюкозанинг гликогенга айланиши ва шу жараёнга тесқари бўлган биокимёвий реакцияларни ўргандилар. Бундан ташқари улар глюкоза-1-фосфат бирикмасини ҳам аниқладилар. Яна бир муҳим маълумот ошқозоноти безлари тўқималарида синтез қилинадиган ва ишлаб чиқариладиган инсулин-гормонлар ҳаракат механизми биокимёсини ўрганиш борасида олинди.

Уларнинг аниқлаши ва исботлашича инсулин етишмаслиги оқибатида қандли диабет касаллиги ҳосил бўлади, бу ҳолда глюкоза тўқималарда яхши сўрилмайди ва унинг қувват бериш самараси камайиб кетади.

1928 йили эр-хотин Корилар Америка фуқаролигини олдилар ва Миссури штатидаги Сент-Луис шаҳрида яшай бошладилар. Гертти Кори бу ердаги Вашингтон университетини тиббиёт мактабида фармокология ва биокимё бўйича илмий ходим бўлиб ишлаб бошлади.

1944 йили Корилар оддий пробиркада гликогенни синтез қилдилар. Ўтказилган тажрибалар асосида олинган натижалар

глюкозадан гликоген биосинтез бўлиши жараёни уч босқичдан иборат эканлиги тўғрисидаги улар яратган гипотезани тўла тасдиқлади. Кейинчалик Гертти ўсимлик тўқималари ва жигар гликогени чувалашган формасининг қўшилиши ҳамда синтез бўлишида фаол қатнашадиган яна бир ферментни аниқлади. Кўп ўтмай у биокимё профессорни лавозимига эришди.

1947 йилнинг 23 октябр кунни эр-хотин Гертти ва Карл Кориларга тиббиёт ҳамда физиология соҳасидаги Нобел мукофоти берилганлиги тўғрисидаги хабар тарқалди. Улар бу нобёл мукофотга «каталогик модда алмашинуви жараёнларини ўрганиш соҳасида қўлга киритган

тининг таклифи билан Америка Қўшма Штатларига келади. Кўп ўтмай ўз хотинини ҳам бу ерга олиб келади. Уларнинг асосий илмий йўналишлари нормал тўқималарда ва хатарли ўсма тўқималарида углевод алмашишларига бағишланган эди.

1928 йили Сент-Луисга кўчиб ўтган ёш олимлар оиласи глюкоза ва гликогенлар биокимёсини ўрганишга астойдил киришдилар. Маълумки, гликогенлар тўғрисидаги маълумотларга 1857 йилдан бошлаб француз физиологи Клод Бернарнинг илмий ишларида асос солинган. Аслида ўзи гликогенлар бир-бирига занжирсимон боғланган ва унинг асосий биокимёвий сифатини ташкил этган. Глюкоза эса ўз навбатида

тирик тўқималарнинг энергия манбаи ҳисобланади ва водород, кислород ҳамда углерод атомларидан тузилган моносакхаридлардан иборатдир.

1930-40 йилларда улар глюкоза ва гликогенлар қатнашадиган бир қатор реакцияларни ўргандилар. Ҳозирги кунда гликогеннинг ажралиши ва ресинтез тўла цикли Кори цикли деб ҳам юритилади.

1936 йили Корилар кейинчалик Кори эфери деб аталадиган глюкозо-1-фосфат бирикмасини кашф қилдилар.

1943 йили эса улар кристалл кўринишидаги фосфорилазни ажратиб олдилар ва бу фермент ҳам актив, ҳам ноактив формада бўлиши мумкинлигини исботлаб бердилар. Бир йил ўтгач, Карл Кори Вашингтон университети тиббиёт мактаби профессори этиб тайинланди.

1947 йили эр-хотин Кориларга тиббиёт ва физиология соҳасидаги Нобел мукофотининг берилиши, уларнинг илм-фан соҳасидаги қилган улкан хизматлари учун берилган юқори баҳо эди.

Улар нафақат илмий изланишлар билан балки, алпинизм, теннис, конкида учиб ва боғбонлик қилиш ишлари билан ҳам шуғулланар эдилар. Уларнинг бир ўғли бор.

1957 йили юз берган Герттининг ўлимидан сўнг Карл Кори Сент-Луислик Энн Жонсга уйланди ва икки ўғил ҳамда икки қизлик бўлди.

Тиббиёт физиология соҳасида ўчмас из қолдирган Карл Кори 87 ёшида АҚШнинг Кембриж шаҳрида оламдан ўтди.

**Абдумажит ТўРАЕВ**  
физика-математика  
фанлари номзоди.

**ТИББИЁТДАГИ ФИЗИОЛОГИК КАШФИЁТЛАР**

илмий ютуқлари ва яратган кашфиётлари учун» сазовор бўлдилар.

Кейинги илмий изланишларда Г.Кори гликогеннинг кимёвий таркибини асослаб берди ва 1950 йилларнинг бошида гликогенларда юз берадиган биологик бузилишларни ҳам аниқлади. Ушбу касалликлар жигар тўқималарида гликогеннинг тўпланиши одатдагидан бир неча баробар кўпроқ бўлиши натижасида ҳосил бўлади.

Умрининг сўнгги йилларида оғир мия касаллигига дучор бўлган олима 1957 йили Глендейл шаҳрида вафот этди. У билан видолашгани АҚШнинг деярли ҳамма нуқталаридан минглаб одамлар тўпланди.

Карл Фердинанд Кори 1896 йили 5 декабр кунни Прагада Карл ва Мария Корилар оиласида туғилди. Ўрта мактабни тамомлагач, Прагадаги Олмония университетини тиббиёт соҳасида билим олишни давом эттирди. Биринчи жаҳон уруши йиллари у ўқишни тўхтатишга мажбур бўлди. У санитар зобит сифатида Италия фронтда хизматда бўлди. Урушдан сўнг ўз ўқишини давом эттирди ва 1920 йили шу университет талабаси бўлган Гертти Радницга уйланди.

1922 йили эса унинг илмий ишларига қизиқиб қолган Нью-Йорк Хатарли ўсмалар институ-

Устоз шоир М.Шайхзоданинг "Умрлар бўладики, тиригида ўликдир, умрлар бўладики, ўлганда ҳам тирикдир" деган мисралари халқимизнинг севимли актёрлари Ш.Бурҳонов, Тамарахоним, М.Турғунбоева, С.Эшонтўраева, А.Хидоятлов каби кўплаб истеъдод соҳибларига қарата айтилгандек. Сабаби, улар ўлмас истеъдодлари, яратган катта-кичик образлари туфайли халқ қалбида мангу

ажойиб образлар яратиб, эл оқишига сазовор бўлган санъаткордир. Кекса авлод вакиллари "Отелло" спектаклида Н.Раҳимов яратган Яго образини ҳали-ҳануз эслайдилар. Бугун Ўзбекистон Миллий академик драма театри деб аталаётган театрда хизмат қилган, "Юлий Цезар" спектаклида Каска, "Фариблар"да ота, "Ревизор"да Хлестаков образини яратган актёр "Қирол Лир" спектаклида Олбе образи-

халқ артистлари Зикир Муҳаммаджонов, Рихси Иброҳимова-лар санъаткор ҳақидаги хотираларни сўзлаб беришди.

Саҳнада актёр ижро этган образларни унинг шогирдлари, Миллий театр актёрлари ижро этишди.

Эл меҳрини қозонган актёр Наби Раҳимов Ўзбекистон халқ артисти унвонига, давлат мукофотига сазовор бўлган инсон эди. Лекин унинг театр санъати

## УМРЛАР БЎЛАДИКИ...

муҳрланиб қолганлар.

Ана шундай инсонлардан бири Наби Раҳимовдир. Наби Раҳимов дейишимиз биланоқ кўз олдингизга "Мафтунингман" фильмидаги истеъдодларни излаб вилоятма-вилоят кезиб юрувчи киши, "Келинлар кўзгалони" фильмидаги уста Боқи образлари келган бўлса, ажаб эмас.

Н.Раҳимов нафақат бадиий фильмда, балки театрда ҳам

ни маҳорат билан ижро этганди.

Куни кеча Ўзбекистон Миллий академик драма театрида буюк актёр таваллудининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар Н.Раҳимовнинг ҳаёт йўли, ижоди ҳақидаги илиқ фикрларни билдирдилар.

"Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси директори М.Абдуқундузов, Ўзбекистон

бўйича махсус билими ёки олий санъат институтини тугатганлиги ҳақидаги дипломи йўқ эди. Туғма истеъдод соҳиб бўлган санъаткор бир неча йиллар бўлгуси актёрларга театр санъати сирларидан сабоқ ҳам берганди.

Наби Раҳимов хотираси, уни билган, истеъдодини қадрлаган ватандошларимиз қалбида абадий яшайверади.

## ҲАММАСИ ТОМОШАБИНЛАР УЧУН

Пойтахтимиздаги "Киночилар уйи"да илк бор DOLBY SURROUND (овоз таралишини таъминлайдиган) услубида энг сара миллий ва хорижий фильмлар намойишининг қишқи марсуми ўтказила бошланди.

- Бугунги кунда мамлакатимизда ҳар бир соҳада ўзига хос ижобий ўзгаришлар, янгиланишлар рўй берапти. Шубҳасиз, бу жараёни халқимизнинг янгича яшашга, руҳий янгиланишга бўлган шиддатли интилиши билан боғлаш мумкин, - деди "Киночилар уйи"нинг раҳбари Ўктаб Мирзаёров. - Мамлакатимиз Президентининг умумхалқ байрами - Ўзбекистон Конституцияси кун муносабати билан сўзлаган нутқларида фақат бизнинг халқимиз табиатига хос бўлган фазилат, кадр-қиммат масаласига эътиборимиз қаратилди. Кадр-қиммат бу касб-коримизга, қадриятларимизга, фарзандларимизга, оиламизга, маданиятимизга, қолаверса, ўзлимизга бўлган ҳурматда кўринади. Кино санъати ҳам ана шу қадриятларимиздан

баҳра олиб яшариши, кучга тўлиши, гуллаб, яшнаши керак. Очигини айтганда, кино соҳасида ҳали қилинажак ишларимиз жуда кўп. Ўтказётган тадбиримиз шунчаки кинофильмлар намойиш этишдан иборат бўлибгина қолмай, балки томошабинларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари ва маънавий озуқа олишлари учун шароит яратишга бўлган уринишлардан биридир.

"Киночилар уйи" раҳбарининг таъкидлашича, яқинда томоша зали DOLBY SURROUND услубидаги замонавий овоз узатиш киноускунаси билан жиҳозланди. Унинг афзалликлари шундаки, томошабинга овоз ҳар томонлама эшитилади. Бундан ташқари, фильмлар энди оддий тасмаларда эмас, сифат даражаси юқори бўлган лазер дискларда намойиш этилмоқда.

- Қилаётган сазй-ҳаракатларимиз томошабинларга кино кўрсатиш маданиятини яхшилашдан иборатдир, - деди сўзининг якунида Ў.Мирзаёров.

"Туркистон-пресс"

## «ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ» ТАҚДИМОТИ

Замонавий Санъат марказида Ўзбекистон Бадиий Академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда нашр этилган "Ўзбекистон санъати (1991-2001)" китобининг тақдимот маросими ўтказилди.

- Мазкур китоб миллий санъатимизнинг янги тарихий шароитдаги тараққиёти таҳлилига бағишланган илк йирик тадқиқот бўлиб, унда 1991-2001 йилларда Ўзбекистон санъати, бадиий-маданий ҳаётида кечган жараёнлар, янги ижодий йўналишлар ва анъанавий шаклларнинг мутаносиблиги масалалари ёритилган, - деди Республика санъат арбоблари уюшмаси раисининг ўринбосари Шухрат Аббосов. - Ушбу китобда санъатнинг мавжуд соҳалари - тасвирий ва амалий санъат, меъморчилик, мусиқа, театр, кино, телевидениенинг сўнгги ўн йил мобайнидаги тараққиёти, бадиий изланиш жараёнлари, асосий ривожланиш тамойиллари акс этган. Китобнинг аввалги нашрлардан фарқи - илмий-услубий ёндашувнинг янгиланишидир.

Ш.Аббосовнинг таъкидлашича, "Меъморлик, тасвирий ва амалий санъат" деб номланган биринчи бобда пластик санъат турларида сўнгги ўн йилликда кечган бадиий жараёнлар ёритилган. Унда замонавий бадиий мактаблар, янги ижодий йўналишлар, мазкур санъат соҳаларида юз берган жараёнлар илмий мезонлар асосида таҳлил этилади. Шунингдек, меъморчиликдаги кўхна миллий анъаналар билан бир қаторда энг янги жаҳон технологияларининг уйғунлашуви, мерос ва ворислик масалалари ҳозирги кун нуктаи назаридан ёритилади. Навбатдаги "Мусиқа санъати" деб номланган боб халқ мусиқа ижодиёти, мумтоз мусиқа, созандачилик, бастакорлик ижодиёти, эстрада қисмларини ўз ичига олган.

"Томоша санъатлари, кино ва телевидение" номли учинчи боб драма, мусиқали, опера ва оперетта театрлари, рақс санъати, сценография, цирк, ҳужжатли ва бадиий кино, анимацияли фильмлар ва телевидение қисмларидан иборат. Унда мустақиллигимизнинг ўтган ўн йили ичида рўй берган маданий-ижтимоий ислохотлар, тамойиллар силсиласи, бадиий ижод жараёнлари ёритилган.

"Туркистон-пресс"

Яқинда Республика Киночилар уйининг кичик залида "Биз наркотикларга қаршимиз" деб номланган спектакль намойиш этилди. Бу спектаклнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг ғояси, сценарийси Ҳамза туманидаги 30-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилариникидир. Ролларни ҳам болаларнинг

бияланувчилари эса бу офат ҳақида ўзлари хулоса чиқариб олишибди. Буни улар намойиш этган спектаклдан ҳам билса бўлади.

Сценарий жуда оддий. Ота мўмай пул топиш мақсадида нафс балосига йўлиқиб, уйига гиёҳванд кукун олиб келади. Болалари эса қизиқиб уни истеъмол қилиб кўрадилар.

## "КАТТАЛАР, БИЗНИ АСРАНГ!"

ўзлари ижро этишган.

Бугунги кунда гиёҳвандлик ва унинг аянчли оқибатлари, гиёҳванд моддалар истеъмоли туфайли кўплаб ёшларнинг ногирон бўлиб қолаётганлиги, тузалмас дардга дучор бўлаётганлиги кўп таъкидланаяпти. Кўплаб семинарлар, турли хил учрашувлар ўтказилиб, бу офатнинг нақадар жирканч ва ярамаслиги ҳақида ўқувчи-ёшларга маълумотлар берилмоқда.

30-Меҳрибонлик уйи тар-


Натижа эса фожеали. Ижрочилар маҳоратли актёрлар каби ҳаракат қилишди.

Ушбу спектакль намойишини ташкиллаштиришда Республикаимизда фаолият юритаётган Швеция элчихонаси бош ҳомий бўлганлигини айтиб ўтиш жоиз.

Болаларга "Болалар ва Катталар" ижодий ривожланиш маркази нодавлат ташкилоти, Бектемир КРИДИСИ, "Кўзмунчоқ" номли болалар хайрия фонди, "Иқбол" ёшлар Маркази яқиндан ёрдам берди.

## УОЛТ ДИСНЕЙ — 100 ЁШДА

Яқинда Уолт Диснейнинг 100 ёши катта тантаналар билан нишонланди. У ўтган асрнинг энг таниқли киноматографи ва кўплаб янги ғояларни бир ерга жамлаб, янги санъат турига йўналтира олган инсон эди. Унинг муваффақияти шундаки, у кўпгина ҳайвонларни "инсонлаштира олган"ди. Мультфильм деса ўзини "томдан ташлайдиган" болажонларнинг ота-оналари, болакайларнинг ўзлари сичқонча Микки Маус ва ўрдакча Дональд Дакни жуда ҳам севяди. Бу қаҳрамонлар Дисней яратган биринчи образлардир. Яна шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, У.Дисней ўз қаҳрамонлари ички руҳияти билан "оддий аме-



рикалик" болаларнинг психологиясини уйғунлаштира олди.

Дисней 59 марта "Оскар" мукофотига номзоди кўрсатилган киноижодкор сифатида рекорд натижа кўйган бўлса, 26 марта "Оскар" эгаси бўлиб, яна бир бор ҳаммадан ўзиб кетди.

Унинг ўлиmidан кейин, мана 35 йилдан буён буюк мультипликатор ва етарли даражада ишбилармон бўлган (чунки у 1955 йилда "Диснейленд" истироҳат боғини очган) Диснейнинг фильмлари, ҳаёти ва фаолияти ҳақида тиниб-тинчимас тадқиқотчилар кўпгина архивларни "ковлаб" ётишибди. Улар кўпгина маъ-

лумотларга шубҳа билдиришаётган эдилар. Мана ўша шубҳалар туфайли юзга келган тадқиқотларнинг аниқ натижалари:

Уолт Дисней Чикаго шаҳрида туғилмаган ва америкалик эмас. У испан миллатига мансуб ва Андалузида, қашшоқ бир оилада туғилган ва вояга етган. Ҳақиқатдан ҳам унинг кўриниши биографияларда ёзилганидек баланд бўйли эмас ва аксинча буғдойранг, тартибли қайчиланган мўйловли.

Бошқа "диснейшунослар"

унинг фильмларида қандай ғоялар илгари сурилганлиги билан қизиқиб, маълумотлар тўплашмоқда. Унинг "Қор парчалари", "Бемби", "Қирол Шер", "Сув парила-

ри" каби фильмлари колониализм, расизм ва бошқа турли-туман ғояларни илгари сурган.

Фақатгина 1938 йилда суратга олинган "Қор парчалари" ва етти гном мультфильми инсоний туйғуларни, романтик ҳис-ҳаяжонларни ифодалаган. Ўшанда ҳам орқа планда ғамгин ҳолатдаги бегемот тасвири бор эди.

Хуллас, болажонлар учун мўлжалланган деб ҳисоблаганимиз мультфильмлар ҳам қайсидир ғояларга хизмат қилган экан. Шунинг учунми, катталар ҳам у фильмларни болажонлар билан ёнма-ён, биргалашиб томоша қилаверар эканлар-да.

Яна бир муҳим жиҳатни тилга олиб ўтиш жоиз. Саҳна безакларини ҳам болаларнинг ўзлари яшашган. Саҳнанинг чап томонида мовий осмон ва унда чарх ураётган оққушлар тасвири бўлса, ўнг томонда қорамтир само замин устида ўрмалаб бораётган қораўргимчак ва битта-

битта йиқилаётган оққушларни кўриб болаларнинг ижодкорлигига таҳсин ўқийсиз.

Бундан ташқари Бектемир КРИДИСИ аъзолари бўлган болаларнинг ва 30-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг наркомания ва ОИТСга қарши ишлаган суратлари ҳам кўргазмага қўйилди.

Ушбу суратлардан бирида "Катталар, бизни асранг!" деган даъват сўзлари бор эди.

**КУРАШНИ  
ОММАЛАШТИРИШ**

Хиндистонда Осие кураши конфедерациясининг навбатдаги анжумани бўлиб ўтди. Уни ОКК президенти жаноб Жагдиш Гатлер олиб борди. Мазкур йўналишда ХКА президенти Комил Юсупов ва бош котиб Умиджон Ёкубовлар қатнашди. Анжуманда асосан ўзбек курашини китъада янада оммалаштириш, XXI аср спорти деб эътироф этилган курашни Осие ўйинлари ва Олимпия оиласига киритиш масаласи муҳокама қилинди.

Грециянинг Афина шаҳрида спортнинг юнон-рум кураши бўйича 46-жаҳон чемпионати якунланди.


Бу чемпионат аслида сентябрь ойида Америка Қўшма Штатларида ўтказилиши керак эди. Лекин, кўпуровчилик ҳаракатлари содир этилгани учун чемпионат қолдирилиб, Афина шаҳрида ўтказилиши белгиланган эди.

Хуллас, бу чемпионатга старт ҳам берилди. Унда, 55 та давлат вакиллари ўз ватани шарафни ҳимоя қилишди. Ҳамюртларимиздан 7 нафар спортчи ҳам иштирок этди. Бу чемпионатнинг қувонарли томони шунда бўлдики, юртдошимиз Дилшод Орипов 58 кг

ЖЧ-2002га бош мураббийсиз тайёргарлик кўраётган Парагвай жамоасига италиялик мутахассис Чезаре Мольдини қабул қилиш кутилмоқда. Ҳозирда музокаралар

**УСТОЗ ТАНЛАНДИ**

олиб борилмоқда. Агар иккала томон битим имзоласа, Мольдини парагвайликларга устозлик қилади. Бундан аввал парагвайликлар устозлик учун Карлос Бьянкини таклиф қилганди. Бирок, аргентиналик мутахассис “Бока Хуниорос” клубида ишлашни афзал кўрди.



**КУТИЛГАН 100-ГОЛ  
КУТИЛМОҚДА**

Англия чемпионати 6 турининг қолдирилган учрашувида пешқадам “Ливерпул” премьер дебютанти “Фулхэм”ни қабул қилиб, кутилмаганда икки очко йўқотди (0:0). Ливерпуллик мухлислар бу дурангдан ташқари яна бир воқеага афсус чекишди. Улар ёлғиз 1998 йилги ЖЧ ёрқин юлдузи Майкл ОУЭНнинг премьер лигадаги 100-голини кутишган эди. Бирок, у ҳозирча “99”да тўхтаб турибди.

Япония футбол чемпионати менеджерлари ҳамда ўйинчилари ўртасида ўтказилган сўровномага кўра, Жубило Ивега клуби ҳамда мамлакат

**ЭНГ ЯХШИ ЎЙИНЧИ**

терма жамоаси ярим ҳимоячиси Тошийя Фудзит йилнинг энг яхши ўйинчиси, дея эътироф этилди. Жорий йилги мавсумда Фудзита ўз клуби ҳисобига 11 та гол ёзилишига сабабчи бўлди.



лаган эдим. Владимир Егоров илк устозим бўлган. Кейинги мураббийларим имкониятларимни мустаҳкамлаган. Айниқса, бу жараёнда устозим К.Фатхулнинг хизматлари катта. Бундай имкониятларга эриштирган ҳамма устозларимга раҳмат дейман.

— Дилшод, суҳбатимизни яхшиси Афинадаги чемпионат билан якунласак.

— Ростини айтганда, бундай нуфузли чемпионатда туртинчи бор қатнашдим. Уларнинг бир нечасида кучли ўнлик таркибидан жой эгаллаганман. Лекин бир сафар яна ўша Грецияда 1999 йил ўтказилган чемпионатда бешинчи ўринни эгаллаб

**УЕФА КУБОГИГА  
ҲАМ ҚУРЪА  
ТАШЛАНДИ**

12 декабрь куни Швейцариянинг Женева шаҳрида УЕФА кубогининг 1/8 финал ўйинларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра қуйидаги жамоалар кейинги босқичда ўзаро баҳс юритадиган бўлишди.

- № 1. Валенсия (Испания) — Серветт (Швейцария).
- № 2. Лилль (Франция) — Боруссия Д (Германия).
- № 3. ПСВ (Голландия) — Лидс (Англия).
- № 4. Милан (Италия) — Рода (Голландия).
- № 5. Интер (Италия) — АЕК (Греция).
- № 6. Хапозль Т-А (Исроил) — Парма (Италия).
- № 7. Лион (Франция) — Слован (Чехия).
- № 8. Глазго Рейнджерс (Шотландия) — Фейеноорд (Голландия).

Ушбу босқич якунлангандан сўнг 1/4 финалда қуйидаги жамоалар баҳслашади.

- №:6 — №:4
- №:5 — №:1
- №:3 — №:8
- №:7 — №:2


1/8 финалнинг дастлабки беллашувлари 21 ва 28 февраль, жавоб учрашувлари 14 ва 21 март кунлари бўлиб ўтади.

Оналар ва болалар йўлига бағишлаб ўтказилган республика аёллар спартакиадасига таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси спортчилари жамоа

**МУРАББИЙ СПОРТЧИЛАР  
ҒАЛАБАСИ**

ҳисобига биринчи ўринни эгаллади. — Мураббийларимиз спортнинг волейбол, енгил атлетика, стритбол, стол тенниси бўйича энг юқори натижаларни қўлга киритиб, биринчи

Чирчиқ шаҳрида ўтказилган якуний босқичда мураббий спортчиларнинг ғолиб, деб топилши ўқитувчиларнинг спортга бўлган муносабати ҳамда маҳоратига берилган баҳодир. “Туркистон-пресс”



**ЯНГИ ЧЕМПИОН  
КАШФ ҚИЛИНДИ**

вазнда мутлақ жаҳон чемпиони ва ўз гуруҳида энг яхши спортчи номини қўлга киритди.

— Биз бу чемпионликни осонликча қўлга киритмадик. Нақд ўн йил деганда шу шохсупага биргина спортчимиз чиқди. Шунинг ўзига қанча меҳнат сарфланганлигидан далолат, — дейди терма жамоа мураббийи Комил Фатхуллин. — Бу чемпионатда бундан-да кўп имкониятларга эришишимиз мумкин эди. Бирок, спортчиларимизга озгина тажриба етишмаяпти. Бу жисмоний кучсиз дегани эмас, албатта. Улар жаҳон ареналарига чиқиб ўзларини синаб кўрмаганлиги, яъни мусобақалашига руҳан тайёр эмасликлари сезилди. Бундай камчиликларни келаси чемпионатларда

тўғирласа бўлади, деб сўзини якунлади.

Биз шундан сўнг чемпионимиз Дилшод Ориповни ҳам суҳбатга тортдик.

— Албатта, бу ғолибликни осонликча қўлга киритмадик. Шундай бўлса ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилиш керак эди. Ортимизда миллионлаб юртдошларимиз турганлигини ҳис қилиб “Матга” кўтарилдик. Ва, чемпионлик камарини юртимизга олиб келдим, — дейди Дилшод.

— Дилшод, айтингчи, нима учун айнан спорт турлари ичидан Юнон-Рум кураши билан шуғулланасиз?

— Биласизми, кўп спорт турларида ғалаба омадга ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, миллионлар ўйини футболни олайлик. Унда кутилмаганда киритилган

тўплар кимларнидир машҳур қилиб юборади. Вақтида дарвозага киритилмаган тўп эса кимнидир майдондан улоқтириб ташлайди. Бу билан нима демокчман, спортнинг Юнон-Рум кураши эса ҳақиқий куч ва маҳоратни талаб этади. Бунда фақат кучлилар ғолиб бўлади. Ҳақиқий кучли бўлсангиз четда қолмайсиз. Яна шуни айтмоқчиманки, бу спорт турининг бошқача тури, яъни ўзбек кураши отабоболаримиз қонида бўлган. Бу эса озгина бўлса ҳам Юнон-Рум кураши билан шуғулланишимга асос бўлган, деб ўйлайман.

— Бунда устозларингизнинг хизматлари ҳам катта бўлса керак?

— Албатта. Мен бу спорт тури билан шуғулланишни 8 ёшимда бош-

анчагина алам билан қайтганман. Айни шу аламни 46 чемпионатда қайтариб олдим. Мен чемпион бўлганим билан ўз устимда кўп ишлашим керак экан. Бу чемпионатда жаҳон чемпионлари билан ҳам баҳслашдик. Масалан, ўтган йили Тошкентда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида мутлақ ғолиб бўлган Туркия вакилини айтишим мумкин. Яна финал босқичидаги арманстонлик рақибимни айтиш мумкин. Хуллас, рақибларимдан ҳам нима-ларнидир ўзимга олиш кераклигини тушундим.

Ростини айтганда, бундай спортчиларимиз юртимиз байроғини кўкка кўтараётгани қувонарлидир. Биз бундай спортчиларимизга фақат омад ёр бўлишини талаб қоламиз.

Шерзод АҲМАТОВ

**“МАНЧЕСТЕР  
ЮНАЙТЕД” СТАДИОНИ  
ТАНЛАНДИ**

Европа футбол раҳбарияти 2002 йилги чемпионлар лигасининг финал босқичи “Манчестер Юнайтед” жамоасининг “Old Trafford” стадионида ўтказилишини маълум қилди. Клуб директори Дэвид Гилл эса раҳбариятнинг ушбу қароридан хурсанд эканлигини айтди. Эътибор берсак, Англия стадионларидан бу борада сўнгги бор 1992 йили фойдаланилган эди.



**ЧЕМПИОНЛИК  
УКРАИНАЛИККА НАСИБ  
ЭТАДИМИ?**

Москвада ўтказилаётган шахмат бўйича ФИДЕ жаҳон чемпионатида украиналик гроссмейстер Василий Иванчук ярим финал босқичида хиндистонлик Вишванатан Анандни 2,5-1,5 ҳисобида мағлубиятга учратди. Энди у финалда россиялик Пётр Свидлер устидан ғалаба қозонган Руслан Пономарёвга қарши дона суради.



**БОКС ҚИРОЛЛАРИ  
ҚАЧОН УЧРАШИШАДИ**

Украиналик оғир вазнли профессионал боксчи Виталий Кличко келгуси йилнинг 6 апрель куни бўлиб ўтадиган Тайсон-Льюис жангида ғалаба қозонган чарм қўлқоп устасига қарши рингга чиқади. Ўтган ҳафтада эса Кличко америкалик Росси Пьюритинни мағлубиятга учратганидан сўнг, у дунёдаги энг кучли иккинчи боксчи дея тан олинди. Ўз навбатида британиялик Леннокс Льюис ва Майк Тайсонлар ўртасида оммавий ахборот воситалари орқали жанг бошланган бўлиб, Льюис темир Майк устидан муваффақиятга эришишига ишонаётлигини ҳамда ана шундан сўнггина катта боксни тарк этишини маълум қилди.

**ЗИДАН: БИЗ ЯНА  
ҒАЛАБА ҚОЗОНАМИЗ**

“Onze Mondial” футбол журнаliga интервью берган Франция терма жамоаси тўпурари Зинеддин Зидан келгуси йили Япония ва Жанубий Кореяда ўтказиладиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида яна французлар ғалаба қозонишига ишонишини маълум қилди. “Ҳозир биз 1998 ёки 2000 йиллардагига нисбатан анча такомиллашдик. Шунингдек, янада тез ҳаракатланиш имкониятига ҳам эгамиз” — деди “Реал” клуби ярим ҳимоячиси.



**АРГЕНТИНАЛИКЛАР  
ЎЗЛАРИГА ЖОЙ  
ТАНЛАШДИ**

Нихоят, Аргентина футбол федерацияси 2002 йил Япония ва Жанубий Кореяда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида ўзлари учун вақтинчалик яшаш жойини танлади. Энди “ўлим гуруҳи” номини олган “F” гуруҳида курашувчи аргентиналиклар Япониянинг “Уцукушимори” меҳмонхонасида яшаш ва жаҳон чемпионлиги учун яшил майдонда ҳаракат қиладилар.

Ko'ngil  
bitiklari

Нимадир рўй бериши керак  
Ахир бир умр  
кутиб яшолмайди  
бу далалар ёмғирларни.  
Ўраб...ўрмалаб  
келаётган бу йўллар,  
Кўзларимни чирмаб  
бораётган чирмовик  
Сизни олиб кетаяпти...  
Аммо борсиз-ку, борсиз,  
Сиз қолиб  
Мен севиб қолаётган,  
Кўзларим ўсаётган йўллар  
Сиздан мени олиб  
кетаяпти...



Кайга кетмай  
Кўзларини қадайдан осмон.  
Бундаги еллар  
Ўйинга тушади  
елкаларимда,  
Узилган япроқлар  
қитиқлаб ётади  
оёқларимни  
Сиз узокдан қарайсиз  
менга...

Ҳозир...Кўзларимни юмаман  
Ва ҳамма нарса тугайди  
Котиб...  
Суратга айланар дунё  
Кўксимга кўниб ўтган  
лаҳзалик нафас  
суғуриб кетади  
жонимни  
Ҳозир...Кўёш кулайди  
Ва ҳаммаси тугайди  
Сиз узокда қоласиз энди...



Кўзларингизда сузиб  
ўтаяпман  
ўзга дунёларга...  
Севги бўғаяпти,  
Бунча ширин ўлаяпман.  
Соғинишлар  
Қачон тугаган?!  
Нахот энди яшаш мумкин?!  
Энди қандай яшаш мумкин,  
Севгилим!



Келишларингиз  
Кетишларингиз  
Ҳазон овозини эслатади.  
Бағрингизга  
Ёғишларим  
Ёмғирларни,  
Шамоллардек  
ўйин тушсам  
сиз билан  
Рақсимиз  
Ҳазон учини эслатади.  
Мумкин-ку ёрилиб кетиш  
Бу бахтдан?!

Дилрабо МИНГБОЕВА,  
талаба



Мен шивалаб ёгаётган ёмғир овозини эшитиб уйғонсам негадир хурсанд бўламан. Назаримда у дала-даштга, қиру адирга, хиёбонларга ўз дил изҳорларини айтиб шошилаётган сув эмас, менинг қалбимга оқиб кираётган хотиржамликка, сокинликка ўхшайди.

Мен ёмғирни яхши кўраман. У менга ҳамма-ҳамма яхши кунларимни, ўтган болагимнинг беғубор ва маъсуд дамларини эсга солади.

...Мана, раҳматли Абдулла бувам бизникига кириб келган. Ташқарида эзиб-эзиб ёмғир ёяпти, бувамнинг чопони хўл бўлиб кетган, оппоқ соқолидан сув томчилаб турибди. Мен эса иссиққина

## ЁМҒИР МЕНИНГ ОВУНЧОҒИМ

кўрпага бурканиб китоб ўқияпман. Буважоним онам, менинг ва укаларим саломига алик олмасданок менга дўқ ура кетдилар: «Неча марта айтаман, қақажон, ахир, китобларимни ўғирлаб келмагинда. Ўзим ўқиб бўлганларимни сўрасанг бераман-ку. Қани менинг «Алломиш»им», дедилару онамга гапира кетдилар: «Бу ҳавода, далалар мазза қилиб сувга тўяётган пайтда мен ҳам бир мириқиб «Алломиш»ни ўқий десам, яна мана бунинг (менга ишора қилиб) китобимни олиб кетиб қолибди». Бувамнинг шундай об-ҳавода юз-кўзлари шалаббо бўлиб китоб қидириб келишлари онамга эриш туюлди, тўғрироғи, бувамга ачини кетдилар. «Эй, дада, битта китоб деб келишингиз шартмиди, бирортасини, Улуғбекними, Нуралиними жўнатсангиз ҳам бўларди-ку», деди. Мен эса «Китобингизни олганим йўқ. Сайёр олгандир» деб жавоб қайтардим.

Бувамнинг жуда кўп китоблари бўларди. Ҳаммаси халқ дostonлари, эртаклар

## Туғ'у

эди. Уларникига борганимда, албатта, бирор китобни ўзим билан олиб келавардим. Кейин бувам мана шундай қилиб кечасими, кундузимми, китобларини ахтариб келавардилар.

Бувамнинг шундай келиб кетишларидан бирида онам мени қаттиқ койиди. «Сен қандай қиз бўлдинг-а, кап-катта одамни овора қилаверасанми. Ҳаҳ, китоб жинниси бўлмай қолгур-а. Агар яна бир марта китоб кўтариб юрганингни ёки ўқиганингни кўрсам ўзингдан кўр», деди. Ана шу куни менда кўрқув ва ўжарлик

пайдо бўлди. «Худо ҳохласа, пулим кўпайса энг зўр китобларни сотиб оламан. Ҳеч қачон бувамнинг китобини ўғирлаб келмайман. Бувамга ҳам энг зўр дostonларни олиб бориб бераман».

Онам ўйда бўлмаган пайтларда, мактабда китоб ўқишни қанда қилмадик. Баъзида онам кўриб қолади деб, омиборхона вазифасини ўтовчи ўйда, баъзида томда, шифер остида мутоала қилардим.

Мен китоб сотиб оладиган ёшга етгунча бувам оламдан ўтди. Дадам уйга кўп китоблар олиб келадиган бўлди. Улғайганим сари онам мукка тушиб китоб ўқишларимга қаршилиқ қилмай қўйди...

Фақат ҳар сафар ёмғир эзиб ёққанида хотирларим руҳимни янгилаётгандек, поклаётгандек бўлади. Кўз олдимда оппоқ соқолидан сув томчилаётган бувам намоен бўлади. Менда китобга ўз кутубхонаси туфайли иштиёқ уйғотган бу китобхон инсонни соғиниш билан эслайвераман..


МУРОДЛИ ДИЛ

«А»дан бошланса «А»  
билан тугайди

Кроссвордаги барча сўзлар қайси ҳарф билан бошланса, ўша ҳарф билан тугайди, яъни биринчи ва охириги ҳарфи бир хил сўзлардан тузилган.

БЎЙИГА: 1. Оға. 2. Кир ювиш кукуни номи. 3. Гапдаги бирор сўзга алоҳида эътибор бериб талаффуз этиш. 4. «Али бобо ва 40 қароқчи» эртагидаги қароқчилар сони. 5. Овоз. 6. Эртапишар мева. 7. Запорожец. 8. Гўзаллик, латофат. 9. ... фон Бисмарк. 10. Кўрсатиш олмоши. 11. Ака (шевада). 15. Жойнамоз, сўзаналарга гул тикиш машинаси. 16. «Доно»нинг акси. 17. Касал. 18. Кардош миллат. 19. Керакли, асосий. 20. Чорва моллари озукаси. 22. Хамирли, гўштли миллий таом. 23. Маҳбуслар сақланадиган жой. 25. Сулаймон пайғамбарнинг оталари. 26. Орқада қолиб кетган. 35. «Ўзбегим», «Инсон» қасидалари муаллифи. 36. Тасаввуф йўли. 37. Кўйнинг боласи. 38. Олмош тури. 39. Халойик, оломон. 40. Кўзга нур ўтказувчи тешик. 42. Кичкина қизча. 43. Баданга қизил тошувчи болалар касаллиги. 45. Истикбол. 46. Ёш асира. 60. Футболчимиз ... Ҳасанов. 61. «Катта»нинг акси. 62. Хўл эмас. 63. Деҳқончилик асбоби. 64. Белбоғ, дурра. 65. Баданга қўл тегиши билан юзага келадиган асабий сезги. 67. Сув олиннадиган чуқурлик. 68. Уланган, лахтак. 70. Эрта куз. 71. Улуғбекнинг извоши — ... Чалабий. 80. Саноқ сон. 81. Дон тури. 82. Австралияда қуриб қолувчи дарёлар. 83. Пул, маблағ. 84. Дурадгорлик асбоби. 85. ... — баққа — аслида у ёққа. 86. Немис таълим жамғармаси. 87. Янги йил кўрки. 88. Энг мазали дам. 89. Ломдан кейинги араб ҳарфи. 91. Гўзалликни ҳис этиш қобилияти.

ЭНИГА: 12. Ҳотамтойлик. 13. Кўшиқ. 14. Тиниш белгиларидан бири. 21. Полиэскини. 24. Ўзининг қабоҳат ва фаҳш бобидаги ишлари билан машҳур бўлган Рим императори. 27. Бир жойда доимо яшовчи. 28. Сабр, матонат. 29. Россия футбол жамоаси. 30. Юртини ташлаб, бошқа юртларда макон топган инсон. 31. Нола, фиғон қулувчи. 32. Х.Х.Ниезий тахаллуси. 34. Доим, ҳаммаша. 41. Фотоплёнка русуми. 44. Ашула. 47. Эшитиш органи. 48. Оху. 49. Ун чиқиндиси. 50. Ажойиб, бошқача, фаройиб. 51. Юмшоқ, майин жун. 52. Аза. 53. Товуқнинг «уйи».



54. Сут маҳсулоти. 55. Помидор пастаси. 56. Қизиқчи, қизиқ ролларда ўйновчи артист. 57. Сув транспорти. 58. Бирор нарсани тутиб туриш учун ерга қоқилган ёғоч. 59. XVIII асрда Россияда маълум имтиёзларга эга бўлган ҳарбий. 66. Пўст, пўстлок. 69. Ҳасанот, саловат. 72. Тўпон, майда заррача. 73. Итнинг боласи. 74. Куб шаклидаги болалар ўйинчоғи. 75. Ошхона анжоми. 76. Солженицин асари — «... архипелаги». 77. Ўзига хос галатти хатти-ҳаракат. 78. Оғуш, бағир. 79. Хорижда аёлларга мурожаат сўзи. 90. Ҳимоя,

мудофаа. 92. 1 йилдан ошиқ мева берадиган ўсимликлар мажмуи. 93. Бахил. 94. Маҳаллий транспорт воситаси.

Тузувчи: Давронбек ТОЖИЛИЕВ

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 1-касб-хунар мактаби раҳбарияти шу мактабнинг бош устаси К.Раҳматовга волидалари

РАҲИМА аянинг

вафот этганиги муносабати билан таъзия билдиради.

## Ma'rifat

ТАЪСИС  
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,  
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:  
Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукр ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулкар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш тахририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида  
Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.  
Навбатчи: Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.  
ИНДЕКС: 149, 150.  
Г-3117. Тиражи 14 527  
Г. 1 2 3 4 5 6  
Ҳажми 8 босма табоқ.  
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Босишга топириш вақти — 20.00.  
Тоширилди — 20.00